

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

**“ МУСИҚА ВА МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ”  
КАФЕДРАСИ**

**“Муסיқа-ўқувчиларни ахлоқий тарбиялаш воситаси сифатида”**

**мавзусидаги**

**Б И Т И Р У В   М А Л А К А В И Й   И Ш И**

**Бажарди:** “ Муסיқа таълими йўналиши

битирувчиси 4-курс

талабаси Бойбўтаева Шахноза

**Илмий раҳбар:**

“Муסיқа ва меҳнат таълими”

кафедрасининг

ўқитувчиси Ибрагимова Нилуфар

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди

10-сонли баённомаси “30” май куни 2015 йил

**Гулистон – 2015 й.**

# **М У Н Д А Р И Ж А**

## **Кириш**

### **I-БОБ Мусиқа орқали ўқувчиларни ахлоқий тарбиялашнинг тарихий ва назарий омиллари**

1.1. Ахлоқий тарбиянинг педагогик ва психологик хусусиятлари.

1.2. Мусиқа дасрларида ўқувчиларни ахлоқий тарбиялашнинг усуллари.

### **II-БОБ Мусиқа дарсларида ўқувчиларни ахлоқий тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитлари.**

2.1. Мусиқа дарсларида ўқувчиларни ахлоқий тарбиялашнинг имконияти, шакл ва услублари

2.2. Мусиқа дарсларида ахлоқий тарбиялашни шакллантиришнинг аҳамияти.

## **Хулоса ва амалий тавсиялар**

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

## К И Р И Ш

**Мавзунинг долзарблиги:** Дунёга юз тутган мустақил Ўзбекистоннинг тариху тавсифи қадимдан буюк аجدодларимиз номи билан боғлиқ бўлган экан, бугунги кундаги унинг қадри ва буюк келажаги Президентимиз ишонган ва суянган буюк аجدодларимизнинг муносиб вориси бўлган баркамол ёшлар қўлидадир.

Демак, бугунги кунда ҳар бир ёшни баркамол инсон бўлиб тарбиялашлари давр талаби эканлигини эътироф этмасдан иложимиз йўқ. Давлатимиз қонунларида ёш авлодни ахлоқий камолотини таъминлашда, унинг баркамол бўлиб ўсишида энг асосий аҳамиятга эга бўлган бўғинларни қамраб олиб, фарзанд тарбиясида ота-она ва устоз муаллимга энг асосий вазифаларни юклайди. Онгнинг шаклланиши ва ривожланишида авваламбор яхши хулқ ва ахлоқ ҳал қилувчи омилдир. Инсон ўзининг одоби ва ахлоқи туфайлигина табиатдан ажралиб чиқди. Инсон ўзининг меҳнати натижасида ижтимоий ҳаётни тубдан қайта қуришга қодир бўлган ягона кучдир. Шунинг учун ҳам, тарбия ва ахлоқ одамнинг бебаҳо бойлиги, унинг яшаши ва ҳаётнинг асосий замини ҳисобланади.

Мақсад, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги бўлган миллий истиқлол мафкурасининг ғоялари йўлида хатто ҳаётини ҳам беришга тайёр бўлган, биздан қоладиган озод ва обод Ватанни асраб-авайлаб, унда эркин ва фаровон ҳаётни таъминлай оладиган келажаги порлоқ, баркамол ва ахлоқий камолоти етук авлодни тарбиялашдир. Зеро, Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг таъбирлари билан айтганда: “Билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни топиб, уларни Ватанга фидоий инсонлар қилиб тарбиялаш муқаддас вазифадир”. Бу муқаддас вазифани бажаришимизда инсоннинг ахлоқи, тарбиянинг асосий мезони эканлигини унутмаслигимиз лозимдир. Аввало шуни айтиш керакки, маънавий баркамол инсон тушунчасининг ўзи кенг қамровли, серқирра тушунча. У комил инсон, соғлом авлод тушунчаларини ҳам ўзида акс эттиради.

Илмий адабиётларда бу тушунчалар алоҳида-алоҳида ишлатилсада, моҳиятан уларнинг ҳаммаси инсон ахлоқи ва одобини, уларда шаклланган барча ижобий хислатларни, уларнинг инсонларга, жамиятга ва Ватанга бўлган муносабатларидан тортиб, токи оилага, ота-онага ва бошқаларга муносабатларининг барча кирраларини камраб олади. Зеро, В.Гюго таъбири билан айтганда: “Инсоннинг улуғлиги бўйи билан ўлчанмаганидек, халқнинг улуғворлиги ҳам унинг сони билан ўлчанмайди: ягона ўлчов, унинг ақлий камолоти ва ахлоқий баркамоллигидир”.

Умумтаълим мактаблари “Муסיқа маданияти” дарсларида ўқувчиларни муסיқа оркали уларнинг ахлоқини тарбиялаш биз бўлажак ўқитувчиларнинг олдида улкан вазифаларни қўяди. Муסיқавий жихатдан саводхонликка эга бўлишнинг аниқ мақсад ҳамда вазифалари мавжуд. Бу мақсад ва вазифаларни амалга оширишда мавжуд илмий ва услубий ёндашув муайян йўналишни белгилайди. Муסיқани ўзлаштириш, тинглаш, ижро этиш ва ундан ҳаётда манфаатдор бўлиш инсоний маданийлик билан уйғунлашиб кетади. Халқимиз яратган дурдоналарнинг бири ҳисобланган муסיқа ҳар соҳада, чунончи, таълим – тарбияда, ахлоқий тарбияда ва ижтимоий муносабатда маълум даражада ўз ифодасини топади. Мурғак гўдакдан тортиб то нуроний қарияларгача, санъат неъматларидан баҳраманд бўлади, эртанги куннинг янада порлоқ бўлиши учун курашади. Шундай экан, муסיқа онгли фаолият, ахлоқий тарбия, самимий муносабат ҳамда мўътадил кайфият гарови бўла олади. Муסיқа кундалик ҳаётимизга қанчалик сингиб борса, ҳаётимиз шунчалик завқли ва мазмунли ўтади. Болалар қўшиқ айтишни, концертларда чиқишни ҳавас қилишади, панд-насихатли қўшиқ ва куйларни эшитиб уларнинг ҳаётга бўлган дунёқарашлари янада кенгаяди. Нимани қилиш яхшию нимани қилмаслик керак эканлигини тушуниб етишади. Одоб-ахлоқ тарбияси шаклланиб бораверади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, биз битирув малакавий ишимизнинг мавзусини “Муסיқа-ўқувчиларни ахлоқий тарбиялаш воситаси сифатида” деб номладик.

**Тадқиқот мақсади:** Мусиқа дарслари орқали ўқувчиларни ахлоқий тарбиясини шакллантиришнинг самардорлигини ошириш.

**Тадқиқот объекти:** умумтаълим мактаби “ Мусиқа маданияти” дарслари.

**Тадқиқот предмети:** Мусиқа дарслари орқали ўқувчиларда ахлоқий тарбиясини шакллантириш самардорлигини ошириш жараёни.

**Тадқиқот вазифалари:**

1. Тадқиқотга оид манбалар билан танишиш.
2. Мусиқа дарслари орқали ўқувчиларда ахлоқ тарбиясини шакллантиришни ўстиришни ривожлантириш учун самарали усулларни яратиш.
3. Мақсадга мувофиқ ҳаётга татбиқ этиш.
4. Синов- тажриба ишларини олиб бориш.

**Тадқиқот методлари:**

1. Илмий ва педагогик адабиётларни таҳлил қилиш.
2. Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш.
3. Тажриба-синов ишларини олиб бориш.
4. Мақсадга мувофиқ педагогик кузатишлар олиб бориш.

**Тадқиқотнинг методологик асосини:** Мусиқий ва ахлоқий тарбия ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳужжатлари, Республика Президенти И.А.Каримовнинг билдирган фикрлари, Олий кенгаш, таълим вазирлиги томонидан чиқарилган буйруқ ва қарорлари, буюк алломаларнинг мусиқий тарбия ҳақидаги фикрлари.

**Тадқиқотнинг янгилиги:** Мусиқа дарслари орқали ўқувчиларда ахлоқ тарбиясини шакллантиришни ривожлантириш зарурлиги исботланган, ўқувчиларнинг мусиқий маданиятини шакллантиришга оид педагогик тавсияномалар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти:** Мусиқа дарслари орқали ўқувчиларда ахлоқ тарбиясини шакллантириш самардорлигини оширишнинг йўллари асосланган. Тадқиқот натижаларидан умумтаълим

мактабларининг мусиқа ўқитувчилари ўз амалий фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

**Битирув малакавий иш** кириш, 2 та боб, 4 та параграф, хулоса ва фойдаланилаган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб,..... саҳифани ташкил этади.

**I-БОБ Мусиқа орқали ўқувчиларни ахлоқий тарбиялашнинг тарихий ва назарий омиллари**

### **1.1. Ахлоқий тарбиянинг педагогик ва психологик хусусиятлари.**

Ахлоқий тарбия фикримизча, ота-она, оила, мактаб, маҳалланинг таъсирида шаклланиб бориши билан бирга уни ўраб турган атроф-муҳит таъсиридан ҳам холи бўлмайди. Натижада бир-бирини инкор этадиган икки хил дунёқарашга эга бўладиган ахлоқ эгалари ҳам шаклланиши мумкин. Бунни қуйидагича ифодалаймиз: “Ўз пешона тери билан ҳалол турмуш кечирадиган инсон ҳаётидан мамнун ва рози бўлиб, қалби ва юраги осойишта, виждони пок, руҳий олами беқарор бўлиб, элнинг ҳурматини қозониб яшайди. Иккинчи томондан, бу дунёда енгил-елпи, ҳар хил нопок йўлларга берилиб, инсоний бурчини унутиб, мол-дунёга интилиб яшаган одам, энг ачинарлиси шуки, ҳаётининг сўнгида армон ва надоматларга ботиб ўз умрини тугатади”. Демак, бизнинг юқорида кўрсатилган вазифамиз Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг қуйидаги ҳадиси шарифлари асосида ахлоқ тарбиясига янада кўпроқ эътибор беришимиз кераклигини белгилаб беради. Абу Хурайра (р.а.)дан ривоят қилинади: Расулulloҳ (с.а.в.): “Албатта мен қарамли ахлоқларни мукамал қилиш учун юборилдим”, - дедилар. Байҳақий ривоят қилган. Гўзал ахлоқли, виждонли, имонли, эътиқоди тўғри, ҳалол, тўғри сўзли баркамол авлодни тарбиялашимизда аввало Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг кўрсатмаларидан, буюк аجدодларимизнинг меросидан ва уларнинг ҳаётий тажрибасидан, диний-ахлоқий, илмий-адабий қарашларидан фойдаланган ҳолда, тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа оид бўлган қимматбаҳо адабий ва мусиқий асарлари мақсадга эришишимиздаги асосий мезон бўлиб ҳизмат қилади. Буюк алломаларимизнинг ҳаёти, илми ва тафаккурига беқиёс таъсир кўрсатган ва улар ҳаётининг асосий қонуниятини бўлиб қолган одоб-ахлоқ тарбияси одамзотни доимо эзгуликка чорлашини аниқлаган ҳолда ёш авлодга тушунтириш ва кўникмалар бериш тарбияда кўзланган мақсадга эришишдаги асосий асоситалардан деб ҳисоблайман. Зеро, Демокрит таъбири билан айтганда, “Инсонни инсон қилиб етиштирувчи нарса тарбиядир”.

Мустақилликка эришиб, маънавият ва маърифат масалаларига биринчи даражали аҳамият беришимиз, мустақилликни мустаҳкамлаш вазифалари, тарбия соҳасида соғлом авлод, маънавий баркамол инсон, комил инсон каби тушунчаларга изох беришни, уларнинг моҳиятини очиб беришни тақозо этмоқда. Юқорида айтганимиздек улар моҳияти бирдай тушунчалар. Инсонни тўғрилиқка, ҳалолликка, покликка, ватанпарварлик ва инсонпарварликка, тинчликни таъминлашга, фитналар ва уларни вужудга келишидаги кимсаларга маънавий-маърифий курашиш учун, эзгуликка ва кўйинки, юксак ахлоқийликка йўллаш бу тушунчаларнинг моҳияти ва мазмунини ташкил этади. Ҳозирги кунда бу масалаларга биринчи даражали аҳамият беришимизнинг боиси – иймони, эътиқоди ва ахлоқий фазилатлари – кўйингчи, маънавияти кучли, миллий масъулият туйғуси қалбида чуқур илдиз отган, маънавий баркамол фуқароларга эга мамлакатгина мустақил ва барқарор ривожлана олади. Президентимиз эркин фуқаро, озод шахс, баркамол инсон ҳақида гапириб, қуйидаги тўрт жиҳатга эътиборни қаратди, яъни ҳар бир фуқаро: - ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган бўлсин, бунинг учун курашсин; - ўз кучи ва имкониятларига таянадиган бўлсин, ва ўша имкониятларни ишга солиб самарасини кўрсин; - атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билдира олсин; - шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан уйғун ҳолда кўриб, фаолият юритсин. Булар баркамол инсон фазилатлари ҳақидаги аниқ ва тўлиқ таърифдир.

Шунингдек, қадимда етук аждодларимиз ҳам инсоннинг баркамолликка эришиши, ҳаёт саҳнасида ўзини ва ўзгаларни комилликка етаклашини юксак баҳолаганлар. Ана шундай алломалардан бири XIII асрда яшаган Азизиддин Насафий бўлиб, “Инсони комил” номли рисоласида комил инсонга таъриф бериб шундай ёзади: “Билгилки, комил инсон деб шарият ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолотга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф”. Бу сифатлар билан зийнатланган инсон, ёлғон, риё,



ғийбат, бўхтон, Юртга, халқга, жамиятга, мўмин-мусулмонларга бадкирдорликдан чекинади, ҳамма вақт эзгу ният билан яшаб, эзгу ишларга Ватанни тинчлиги, ободлиги, халқнинг фаровонлиги, жамиятнинг барча жабҳаларида татоввур бўлишига ҳаракат қилинади. Мана шу фикрлардан келиб чиққан ҳолда умутаълим мактабларида ўқитилаётган “Муסיқа маданияти” дарсларида ўқувчиларнинг ахлоқий тарбиясини ривожлантириш учун бир неча самарали усулларни қўллашимиз мумкин. Авваламбор инсон доимо халқ орқасидан эргашади. “Муסיқа маданияти” дарсларида, синфдан ташқари ўтказиладиган концерт чишларида биргаликда жамоа бўлиб куйланаётган ахлоқий тарбияга оид кўшиқлар боланинг руҳиё ҳиссиётига тезда ижобий таъсир ўтказади. Хуллас, комил, баркамол инсонни тарбиялаш, вояга етказиш ҳақида мусулмон Шарқи ахлоқи тарихида инсон ҳаёти учун дастуруламал, қўлланма вазифасини ўтаган кўп пандномалар, халқ китоблари мавжуд бўлган. Чунончи, Кайковуснинг “Қобуснома”, Саъдийнинг “Ғулистон”, “Бўстон”, Амир Темурнинг “Темкр тузуклари”, Абдурахмон Жомийнинг “Баҳористон”, Алишер Навоийнинг “Маҳбубул-қулуб”, Хусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи муҳиний” ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин. Охириги йилларда ўзбек композиторларимиз томонидан яратилаётган “Бахти эркатой”, “Она қўллари”, “Азиз устозим”, “Она эл мадҳи” каби кўшиқларимизда боланинг ахлоқий тарбиясига кескин ижобий таъсир ўтказувчи онага ҳурмат, устозга ҳурмат, она ватанига бўлган муҳаббатни шакллантирувчи ифодаларни ҳам кўришимиз мумкин. Бу адабий ва муסיқий асарларнинг кўпчилигида адолат, ҳалоллик, софлик, поклик, тўғрилиқ, ростгўйлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, маърифатли, маънавиятли бўлиш каби инсоннинг шарқона фазилатлари мужассамлаштирилган. Ўз халқининг тарихини, миллий қадриятларини, тилини, истиқбол манфаатларини билмаган, қадрламаган, миллий мансублигини унутган, ўз миллатининг истиқболи учун қайғурмайдиган, курашмайдиган кишиларда миллий ғурур ҳам, миллат билан фахрланиш ҳам, миллатпарварлик, инсонпарвалиқ, маърифатпарварлик ҳам бўлмайдди. Бундай

кишиларни маънавий баркамол инсон дея олмаймиз. Шу маънода юртбошимиз Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз” номли маърузаларидаги куйидаги фикрларига эътиборни қаратмоқ лозим: “Бу соҳадаги ишларимизнинг пировард мақсади – иймон эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир. Яъни, мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс – комил инсонни тарбиялашдан иборат”. Давлатимиз қонунлари, азиз авлиёлар ва буюк аждодларимиз меросидан фойдаланган ҳолатда, ўзининг бор истеъдодини халқ фаровонлиги йўлида, юрт номи ва шаънини энг муқаддас деб ҳисоблайдиган, унинг тинчлиги, халқнинг фаровонлиги, оиласининг хотиржамлиги йўлида курашадиган баркамол авлодгина, турли фитналарни, бемазҳабликни, тинчлик ва хотиржамликни издан чиқаришга уринаётганларни, мўмин-мусулмонлар ўртасида тафриқа чиқаришга уринаётганларга қарши курашувчи асосий куч бўлиб хизмат қилади, шундагина ота-она, устозлар истаган камолотга қарор топади. Инсоннинг ахлоқий ҳаёти унинг ахлоқий тарбияси билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, ахлоқий тарбия инсоннинг шахс бўлиб етишувини таъминлайдиган узлуксиз жараёнларидан бири. Унда индивид ахлоқий қадриятларни англаб етади, ўзида ахлоқий фазилатларни барқарор этади, ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар асосида яшашга ўрганади. Инсон борлиқдаги энг буюк зотдир. Инсоннинг ахлоқий ҳаёти эса унинг ахлоқий тарбияси билан боғлиқдир. Зеро ахлоқий тарбия инсоннинг шахс бўлиб етишувини таъминлайдиган узлуксиз жараёнларидан бири. Гўзал фазилатлар инсонга хос нарсаси, фақат унинг мулки эмас. Яхши фазилат жамиятнинг бойлиги, умуминсоний маънога эга. Ижобий фазилатга эга бўлган кишилар жамиятга таъсир қилади, унинг ривожланишини тезлаштиради. Инсон боласи ҳам бу ёруғ оламга шунчаки келмайди. Ҳазрат Навоий таъбирича, инсон оламга камолотга эришиш учун келади. Комил инсон тарбияси деган

ибораларни кўп учратамиз. Бу борада “комиллик” тушунчасига тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Комилликнинг хилма – хил талқинлари бор. Диний таълимотларда комиллик тимсоли сифатида Ҳақ назарда тутилади. Комил инсон - жамики инсонларнинг ҳақиқатидир, яъни одамийлар одамийсидир.

Комилликнинг ҳар бир даврга хос ижтимоий мезонлари ҳам бўлган. Бунинг боиси шуки, одамзод ақлий, руҳий ва жисмоний иқтидори, истеъдоди, салоҳияти жиҳатидан бир – биридан фарқланади. Дарҳақиқат бир – биридан фарқланувчи инсонларни ахлоқий тарбия орқали комилликка етказиш мумкин.

Азизиддин Насафий комил инсонга таъриф бериб ёзади: “Билгилки, комил инсон деб шариат ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф.”

Азизиддин Насафий камолотнинг белгиси сифатида икки нарсани асос қилиб олган. Бунинг бири – ахлоқ бўлса, иккинчиси – ўз - ўзини таниш. Шу икки асоснинг бор ёки йўқлигига қараб у одамларни уч қисмга ажратган.

1. Ҳамида ахлоқий ҳислатлар билан безанмаган ва ўз – ўзини танимаган одамлар.

2. Ҳамида ахлоқий ҳислатлар билан безанган, аммо ўз – ўзини танимаган одамлар.

3. Ҳамида ахлоқий ҳислатлар билан безанган ва ўз – ўзини таниган одамлар.

Шу тариқа, комил инсоннинг ўзига ҳос ахлоқ қондаси ишлаб чиқилган бўлиб, бу сифатларга эга бўлиш ҳар бир одамнинг орзу – армони деб қаралган. Яна шуни таъкидлаш лозимки ўрта асрлардаги яхши ахлоқ, комил инсон ҳақидаги тушунчалар нисбий хусусиятга эга. Аммо масала қандай қўйилишидан қатъий назар, комил инсон ҳақидаги ғоялар катта ижтимоий – ахлоқий аҳамиятга эга бўлади. Инсон тўғри тарбия топмаса, унинг хатти–

ҳаракатлари жамиятга зарар келтиради. Буюк мутафаккир Бедил таъкидлаганидек, агар меъмор дастлаки ғиштни тўғри қўймаса, девор юлдузларга етса ҳам қийшиқ бўлиб қолаверади. Бундан кўриниб турибдики, жамият ижтимоий ҳаётидаги барча муаммолар ечими маънавий–ахлоқий жиҳатдан етук кишиларнинг фидокорона, ҳалол меҳнати, ҳамкорлиги, имон–эътиқоди асосида рўёбга чиқади.

Ахлоқий тарбия инсоният тарихи мобайнида икки муҳим масалага жавоб излайди: булардан бири - қандай яшамоқ керак, иккинчиси - нима қилмоғ-у, нима қилмаслик лозим. Ана шу саволларга жавоб излаш жараёни ахлоқий тарбиянинг амалий кўринишидир. Тарбия она қорнидан бошланади деган гап бор. Унинг асл маъноси, аввало, ота-онанинг ўзи ахлоқий тарбия кўрган бўлиши керак дегани. Зеро, қуш инида кўрганини қилади: ота-она оилада юксак ахлоқ намунасини кўрсатиши лозим. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, ахлоқийлик инсонда фақат ахлоқий тарбия воситасидагина вужудга келади, деган моддиятчилик қарашлари кўп йиллар мобайнида ҳукмронлик қилиб келди. Тўғри, ахлоқий тарбиянинг аҳамияти ниҳоятда катта. Лекин ахлоқийлик инсонга унинг инсонийлик белгиларидан энг муҳими сифатида ато этилган илоҳий неъмат. Шу маънавий неъмат - асосни ахлоқий тарбия ёрдамида такомиллаштирамиз.

## **1.2. Мусиқа дасрларида ўқувчиларни ахлоқий тарбиялашнинг усуллари.**

Шундай қилиб, ахлоқий тарбия инсон фарзандини такомилга, комилликка етказиш йўлларида бири. Унинг воситалари кўп. Уларнинг бир қисми анъанавий тарбия воситалари бўлса, яна бир қисми замонавий воситалар. Одатда, ҳар икки турдаги воситалардан фойдаланилади. Чунончи, мактабгача бўлган ахлоқий тарбияда мусиқа, эртак ва ривоятлар воситасидаги анъанавий тарбия билан ўйинчоқлар ва ўйинлар воситасидаги замонавий тарбия муваффақиятли қўлланилади; бунда бола қизғанчиқлик, ғирромлик қилмасликка, ҳалол бўлишга мусиқа ва ўйинлар ёрдамида даъват этилади. Болалар ахлоқий тарбиясида телевидение, радио, мусиқа, қўғирчоқ театри, кино санъати катта рол ўйнайди.

Умуман, ахлоқий тарбиянинг энг кучли воситаси - мусиқа. Бу восита аҳолининг барча табақасини, турли ёшдаги шахсларни қамраб олади. Айниқса, санъатнинг мусиқа ва бадиий адабиёт тури кенг қамровли. Телевидение ва радио каналларида берилиб келинаётган қўшиқлар, эртакдан тортиб романгача бўлган жанрларда чоп этилган асарлар шахснинг ахлоқий шаклланишида улкан хизмат кўрсатадилар. Улар орқали тарбияланувчи сифатида эзгулик ва ёвузлик нималигини бадиий идрок этади; идеал танлашда ҳам уларнинг аҳамияти катта. Бундан ташқари, мусиқа ва бадиий адабиётнинг бевосита ахлоқий тарбияга мўлжалланган қўшиқлари, куйлари ва ҳикоятлар, ривоятлар ва насихатлар мажмуалари борки, биз уларни, аввал айтганимиздек, пандномалар деб атаймиз: «Қалила ва Димна», «Қобуснома», «Гулистон», «Зарбулмасал» сингари бундай мумтоз асарлар анъанавий ахлоқий тарбия воситаси сифатида неча асрлардан буён қанчадан-қанча авлодларга хизмат қилиб келди, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолажак.

Ахлоқий тарбиянинг барча замонлар учун долзарб бўлган йўли, бу - намунавийлик тамойили. Оилада, аввало, юқорида айтилганидек, ота-она болага ахлоқий намуна бўлиши керак. Мактабда ва олий ўқув юртида муаллимларнинг таълим бериш усулларида тортиб, то «майда-чуйда» хатти-ҳаракатларигача ўз шогирдлари томонидан шахсий намуна тарзида қабул қилинишини назардан қочирмаслик лозим. Устоз-шогирдлик

муносабатларидаги муомала одоби, ҳалоллик, ростгўйлик ёшлар ахлоқий тарбияси шаклланишини таъминловчи омиллардандир.

Ҳозирги пайтда ахлоқий тарбиянинг энг кучли замонавий воситаси сифатида телевидениени келтириш мумкин. У деярли барча санъат турларида яратилган асарларни экранлаштириш ва экранда кўрсатиш имконига эга. Бундан ташқари, унда махсус ахлоқий тарбияга бағишланган мунтазам кўрсатувлар ҳам бериб борилади. Ўзбек тилидаги «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи», «Ривоят», «Оқшом эртаклари» сингари кўрсатувлар бунга мисол бўла олади. Шу боис телевидение ҳеч қачон енгилтакликни тарғиб этувчи кўшиқлар, салкам порнографик рекламалар, инсон қалбини каттиқлаштирадиган «ўлдир-ўлдир»лардан иборат видеофильмлар корхонаси бўлиб қолмаслиги керак. Мана яқин кунларда “Маданият ва маърифат” телеканалидан олиб берилган бир кўрсатувда ҳозирги кунда айрим санъаткорлар томонидан ижро этилаётган саёз кўшиқларни таҳлил қилиб чиқишди. Масалан “Манго” деб номланувчи гуруҳ томонидан “Пистани қандай чақарлар” деб номланган кўшиғини шоирлар, композиторлар ва журналистлар томонидан ташкил этилган ижодий гуруҳ қаттиқ танқид қилишди. Албатта телевидение томонидан берилаётган кўпгина саёз кўшиқлар ўқувчи ёшларнинг онгини саёзлаштириши мумкин. Шунинг учун умумтаълим мактабларидаги “Муסיқа маданияти” дарсларини олиб борувчи ўқитувчилар Ватанни, ўз миллатини, ўз миллий қадриятларини мадҳ этувчи тарбиявий аҳамиятга эга бўлган кўшиқларни ўқувчиларимизга ўргатиб уларнинг онгини шакллантириб боришлари керак.

Масалан: 1-синф ўқувчиларига одоб-ахлоқ мавзусида бўлган кўшиқлардан

“Бахти эркатой” ---- Хайдар Мухаммад шеъри, Тўлқин Тошматов муסיқаси.

Вой, вой, вой Бахти эркатой

Эрталаб туриб ичмас экан чой,

Вой, вой, вой Бахти эркатой

Тўғри йўл қолиб кечар экан лой  
Вой, вой, вой Бахти эркато  
Дарсин қолдириб кейин иши вой.

Бу қўшиқда биз Бахтиёрнинг эркаликлари нималарга олиб келишини, дарсларни қолдириш керак эмаслигини ўқувчиларга тарбиявий томондан уқтирган бўламиз.

“Неваралар қўшиғи”--- Сафар Барноев шеъри, Надим Норхўжаев мусикаси.

Боғим бор гулзорим бор, бош боғбони бобомлар  
Ширин сўзли беозор, меҳрибоним момомлар  
Остонамиз мукаддас, ахил ота-онамлар  
Офтоб нури туганмас, хавас қилар одамлар  
Ниятимиз пок нурли, шундан бизлар ғурурли  
Бобо момомлар билан яшаш қандай сурурли.

Оиланинг мукаддаслигини мадҳ этувчи бу қўшиқнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, у боланинг ўз оиласига ва ота-онасига ва бобо, момоларига ҳурмат билан қарашларига ундайди.

2-синф ўқувчилари дастурига “Бувижоним” номли қўшиқни киритишимиз мумкин. Йўлдош Суюнов шеъри. Дилором Омонуллаева мусикаси.

Менга тенгсиз меҳри бор, сўзларида сеҳри бор  
Эртак айтиб толмайди, эркалатиб хормайди.  
Бувижоним бувижоним, меҳрибоним бувижон  
Онагинам онаси, шўхзабоним бувижон  
Кўролмаса бир куни, ухлай олмайди туни  
Кўнгил соғинчга тўлиб, излар парвона бўлиб  
Бахтимга омон юринг, хушхандон даврон сурунг  
Кўзингиз намланмасин, дилингиз ғамланмасин.

Катталарга ҳурматли бўлишга ундовчи бу қўшиқ болаларимиз дилида кексаларни эъзозлашга чорлайди.

“Салом берган болалар”. Пўлат Мўмин шеъри, Надим Норхўжаев мусиқаси.

Салом берган боланинг ўзи одобли,  
Кулиб турган юзлари, гўё офтобли.  
Салом бериш – бу, аъло аломат.  
Салом берганлар бўлсин саломат.  
Салом берган боланинг дарси доим “беш”,  
Мактаб, уйда, кўчада яхшиларга эш.

Авваламбор одоб-ахлоқнинг ўзаги салом беришдан бошланади.  
Тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бу қўшиқ ўқувчиларимизга яхши хулқ эгаси бўлишларига ва доим катталарга салом бериб юришларига чорлайди.

“ Дастёр қиз”. Шукур Саъдулла шеъри. Собир Бобоев мусиқаси.

Ота эрталаб турар, жажжи Дилдорни кўрар  
Калишларини ёлғиз , тозалабди дастёр қиз  
Ота қўл-бетин ювар, унга Дилдор сув қуяр  
Сўнг бир дақиқа кутиб, қўл чўзар сочиқ тутиб  
Она ёзар дастурхон, ўтиришлар учовлон  
Тарелкада қанд-мағиз, ширинликлар қўяр қиз.

Бу қўшиқда биз қизларимизни уй ишларида оналарига ёрдам беришларини , келажакда хонадонни обод қилувчи яхши уй бекаси бўлиб етишишларига ундовчи ифодаларни кўрамиз.

Яна бир тарбиявий аҳамиятга эга бўлган қўшиқларимиздан бири “Яхши бола” қўшиғидир. Пўлат Мўмин шеъри. Надим Норхўжаев мусиқаси.

Хамма жойга ярашади яхши бола,  
Уй ишига қарашади яхши бола.  
Ўйнаб юриб севинади ўз-ўзидан,  
Яхшилиги сезилади юз-кўзидан.  
Яшнайверсин хамма жойда яхши бола,  
Келтиради элга фойда яхши бола,  
Мактабидан қолмайди кеч яхши бола,



“Икки” баҳо олмайди ҳеч яхши бола.

Иш буюрсанг дейди кулиб “ Хўп бўлади”,

Шериклари ,ўртоқлари кўп бўлади,

Яшнайверсин ҳамма жойда яхши бола,

Келтиради элга фойда яхши бола.

Яхши боланинг яхши хулқларини мадҳ этувчи кўшиқ болаларимизга катта намуна сифатида хизмат қилиши мумкин. Бу кўшиқни куйлаган болаларнинг ўзлари ҳам шу болага ўхшаб одобли хулқ эгаси бўлишларини хоҳлаб қоладилар ва шунга интиладилар. Умуман олганда ўқувчиларимизнинг ахлоқий тарбиясига ижобий таъсир ўтказувчи кўшиқларимиз кўп. Масалан “ Азиз устозлар”, “ Он эл мадҳи”, “ Диёр мадҳи” каби Ватанни мадҳ этувчи, катталарни эъзозлашга ундовчи кўшиқларимиз жуда кўп.

Ахлоқий тарбиянинг ақлий-маънавий ва жисмоний тарбия билан кўшиб олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Ўшанда жамиятимиз ҳар жихатдан камол топган фуқаролик жамиятига айланади. Мамлакатимизда бунинг учун барча ҳукуқий-ижтимоий шарт-шароитлар яратилган. Ахлоқий тарбиянинг воситалари кўп. Ахлоқий тарбия илмийлик, ғоявийлик, тўғрилиқ, мақсад ва воситаларнинг муштараклиги, воқелиқ билан узвий боғланиш, ижодий ёдашув принципларига амал қилган ҳолда олиб борилади.

Ахлоқий тарбиянинг воситалари

1. Ахлоқий тарбиянинг воситалари кўп. Ахлоқий тарбия илмийлик, ғоявийлик, тўғрилиқ, мақсад ва воситаларнинг муштараклиги, воқелиқ билан узвий боғланиш, ижодий ёдашув принципларига амал қилган ҳолда олиб борилади.

2. Ахлоқий тарбиянинг барча замонлар учун долзарб бўлган йўли буюта-онанинг болага ахлоқий намуна бўлиши. Чунки соғлом баркамол инсон ҳар бир халқ, миллат, давлат келажагининг нурли истиқболдир. Маънавий бой, ахлоқан пок ва жисмонан соғлом кишиларни тарбиялаб вояга етказиш илк бор оилада амалга оширилади. Инсоний фазилатлар – эзгулик, яхшилик,

фидойилик, садоқат, мардлик, инсоф, раҳм – шафқат каби хислатлар дастлаб оилада шаклланади. Оила ёшларни ахлоқли, одобли, ростгўй, ҳалол ва самимий бўлиб вояга етишлари учун замин тайёрлайди. Оила тарбияси боланинг келажакда ким бўлиб етишишида муҳим ўрин тутди. Демак, бола оилада жамиятнинг қиёфасини кўради, бўлажак фуқаронинг табиати, дунёқараши ва ахлоқий қиёфаси оилада шаклланади ҳамда шунга кўра камол топиб боради. Ахлоқий тарбиянинг моҳияти кишини ҳаётга тайёрлашдан иборат.

Ахлоқий тарбиянинг воситаларининг бир қисми анъанавий тарбия воситалари бўлса, яна бир қисми замонавий воситалар. Одатда ҳар икки турдаги воситалардан фойдаланилади. Чунончи, мактабгача бўлган ахлоқий тарбияда мусиқа, эртак ва ривоятлар воситасидаги анъанавий тарбия билан ўйинчоқлар ва ўйинлар воситасидаги замонавий тарбия муваффақиятли қўлланилади; бунда боланинг қизғончиқлик, ғирромлик қилмасликка, ҳалол бўлишга ўйинлар ёрдамида даъват этилади. Болалар ахлоқий тарбиясида телевидение, радио, компьютер, интернет, кўғирчоқ театри, кино санъати катта роль ўйнайди.

Ахлоқий тарбиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Жамиятда инсонларини юксак даражада ахлоқий ғояларга содиқ бўлиш, миллий ғурур, шаън ва қадр – қимматини сақлашни олий ахлоқий хислатлар деб тушуниш руҳида тарбиялаш;
2. Ахлоқан пок, ростгўй, масъулиятли, мустақил фикрловчи инсонларни тарбиялаб етиштириш.
3. Юксак ахлоқий маданият соҳиби, инсонпарвар, хушмуомалалиги билан фахрланиш мумкин бўлган ёш авлодни тарбиялаш.

Ахлоқ ва мусиқа. Ахлоқ билан мусиқанинг ўзаро алоқалари ҳақида гап кетганда, аввало, мусиқа моҳиятан шахснинг хис-туйғуларига таъсир кўрсатишга қодир бўлган муҳим жараён эканлигини ҳисобга олиш даркор. Мусиқа инсоннинг хиссиётлари ва туйғулар оламига кириб боради. Шунинг учун бўлса керак, мусиқа барча даврларда инсонга ҳамроҳ бўлиб келган.

Мусиқа кенг маъноли тушунчадир. Зеро, мусиқа инсон меҳнати, ақл-идроки, шуури билан яратилган, вужудга келган, ижод қилинган нарсалардир. Мусиқа инсон фаолиятининг ижодкорлик турини англатиб, ҳар бир мусиқа асарида шахснинг ўзига хос истеъдоди намоён бўлади. Ва ниҳоят, мусиқа инсоннинг маҳорати билан чамбарчас боғлиқдир. Мусиқа, кенг маънода, бадиий қадриятлар, уларни яратиш (бадиий ижод қилиш) ва истеъмол (бадиий идрок этиш) жараёнларини ҳам қамраб олади. Нафосатшунос Э.Умаровнинг таъкидига кўра, “Мусиқа ва ахлоқ ўзаро муносабатлари эстетикада ўзак масалалардан бири бўлиб, бу масалага уч услубда ёндошилади. Биринчиси- «ахлоқийлик» услуби дейилади. Бу услуб Оврупо нафосатшунослигидаги юнонлар, жумладан Афлотун, янги даврда эса Руссо ва Л.Н.Толстой ижодида кенгрок ва чуқуррок ишлаб чиқилган. “Ахлоқийлик”нинг моҳияти шундаки, унинг тарғиботчилари тарихан турли даврларда яшаганига қарамай, бадиий ижодни ахлоқ-одобга бўйсундириш, эзгуликни санъатнинг бирдан-бир ва энг олий мақсади сифатида тарғиб этишдир.

Мусиқа ва ахлоқнинг бош мавзуи инсон ҳисобланади. Санъат инсоннинг мақсад-манфаатлари, фикр-мулоҳазалари, ҳис-туйғулари, ички кечинмалари нуқтаи назаридан акс эттирса, ахлоқ инсон ижтимоий алоқалари ва муносабатларининг мағзига сингиб кетади. Ҳаётда ахлоқ-одобга алоқадор бўлмаган бирор воқеа-ҳодиса содир бўлмайди. Инсонларнинг ўзаро муносабатлари ва муомалалари ахлоқнинг бевосита объекти бўлиб хизмат қилади.

Ҳар бир ҳақиқий мусиқа асарида асосий зиддият сифатида эзгулик билан ёвузликнинг кураши акс этади, инсонпарварлик, ҳақиқатгўйлик, тўғрилиқ, адолат, муҳаббат, садоқат сингари фазилатлар тараннум этилади, тақдир, ўлим ва ўлмаслик, ҳаётнинг мазмуни, бахтга эришиш сингари муаммолар ўртага ташланади. Ахлоқий идеал муаммоси эса ҳар бир бадиий асарнинг шоҳтомири ҳисобланади. Зеро, Навоийдаги Фарҳод билан Ширин, Қодирийнинг Отабек билан Кумуши, Шекспирнинг Ромео билан

Жульеттаси юксак ахлоқий идеалларни намоён этиши билан умумбашарий аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, сўз санъатида, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос «ахлоқий жанрлар» мавжуд. Уларни халқ оғзаки ижодида ҳам, ёзма адабиётда ҳам учратиш мумкин: мақол, матал, ҳикматлар, ҳикоятлар, ривоят, масал, панднома ва ҳ.к. шулар жумласидандир. Президент И.А.каримов ўз асарида шундай фикр бериб ўтадилар “Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита борки, у ҳам бўлса, сўз санъати, бадий адабиётдир. Адабиётнинг инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларнинг эса инсон руҳининг муҳандислари” деб таъриф беради Умуман олганда, ахлоқсиз бадий асарнинг бўлиши мумкин эмас, барча санъат асарлари учун ахлоқийлик муҳим асос ҳисобланади. Айни пайтда санъат ахлоқшунослик тарғиботчиси, ахлоқий тарбиянинг энг қулай воситаси сифатида ҳам намоён бўлади. Бежиз президентимиз И.А.Каримов ўз асарларида санъат ва маданиятга қуйидаги баҳони бермадилар: “ Санъат ва маданиятдек қудратли куч орқали инсон қалбига йўл топиш ҳақида сўз юритар эканмиз, ҳаммамиз яхши тушунамизки, ҳар қайси истеъдод эгаси ўзига хос бир олам, шу сабабли ижод аҳлига қандайдир ақл ўргатиш, энг асосийси, уларни бошқаришга уриниш мумкин эмас. Лекин бу ҳаётда уларни бирлаштирадиган, янги ижодий марралар сари илҳомлантирадиган муқаддас тушунчалар борки, улар Ватан ва халқ манфаати, эзгулик ва инсонийлик тамойиллари билан узвий боғлиқдир. Агарки ҳар қайси ижодкор ўз асарида ана шу ўлмас ғояларни бош мақсад қилиб қўйса, уларни бадий маҳорат билан ифода эта олса, ҳеч шубҳасиз, адабиёт ҳам, маданият ва санъат ҳам том маънода маънавий юксалишга ҳизмат қилиб, ўзининг ижтимоий вазифасини тўлиқ адо этишга эришган бўлади.”

**II-БОБ Мусиқа дарсларида ўқувчиларни ахлоқий тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитлари.**

## **2.1. Мусиқа дарсларида ўқувчиларни ахлоқий тарбиялашнинг имконияти, шакл ва услублари**

Оммавий маданиятда «Поп (оммавий)-музыка» алоҳида ўрин тутди. «Поп-музыка»ни «Янги рок» белгилайди. «Янги рок», таъбир жоиз бўлса, кучайтирилган ритмик тузилмали мусикадир. Яъни жазавали ритм, зарб, шовкин ушбу мусиканинг қиёфасидир. Бу мусиқа тинглашга, қалбдан ҳузурланишга эмас, балки вужуд ҳаракатига, талвасали рақсга йўналтирилган. «Оммавий маданият»даги техник-ижро воситалари мусиқа имкониятларини ниҳоятда торайтирмоқда, полифонизм - мусиқий садолар бойлиги ва ранг-баранглигини йўққа чиқармоқда. Умуман айтганда, «поп-музыка» ижрочилиги кўнгилочар мусиқа никоби остида оммавий васвасали, шайтоний талвасали, бадахлоқ рақслар, кўпинча охири жанжал, ур-йиқит, ваҳшийликларга бориб етадиган агрессив дискотека шоуларини уюштириш билан ажралиб туради. «Поп-музыка» намояндалари ўз «оммавий»ликларини таъкидлаш учун сахнадаги хатти-ҳаракатлари ва кийим-либослари намойишида ҳам - одоб-ахлоқ, жамиятга эҳтиром туйғуларини рад этиб - асосан кўча, оломончилик қонун-қоидаларига амал қиладилар. Ва ўзларининг кулгули даражада ажралиб турадиган шундай рафторларидан фахрланадилар. Афсусланарли томони шундаки, бундай ҳолатларни «поп-музыка»чилар санъатдаги демократизмнинг, халқчилликнинг тантанаси, деб билишади. «Поп-музыка» намояндалари ижро этадиган қўшиқ матнлари эса, аввало, шеъриятнинг оддий талабларига жавоб бермайди ёки улар кўпроқ кўчада мавжуд беҳаё, жаргон ибораларга - қадриятларни, инсоний эзгуликларни киноя, мазах қиладиган сўзларга асосланган. Хуллас, эркинлик, демократия «намуналари» деб тавсия этилаётган «поп-музыка» матнлари билан ҳақиқий шеърият ҳамда асл халқчил дид, соғлом руҳият, маънавият ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

Албатта, халқимиз, жумладан, ёш авлод ғарб фан-техникаси, маданияти, адабиёту санъатининг илғор жиҳатларини инкор этмайди. Бирок ғарбдаги тараққийпарвар зиёлиларнинг ўзи «ғарбнинг муаммоси» сифатида баҳолаётган «оммавий маданият»нинг маънавий-ахлоқий тубанликларини ёшларимиз қанча тез англаса, шунча яхши. Тўғри, биз демократия даврида яшаймиз. Жамиятимизда қизиқиш ва майлларга ҳурмат билан қаралади. Аммо хатарли қизиқиш ва майллардан давлат ва жамият ўзини ҳимоя қилиши лозим. Бунинг учун эса, энг аввало, реклама ва оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги давлатимиз қонунларининг талаблари қатъий бажарилиши керак. Яъни «реклама»чилар ва журналистлар давлатимиз, жамиятимиз ҳавфсизлигига (жумладан, халқни, ёшларни маънавий айнитишга олиб келадиган ҳолатларга) йўл қўймасликлари керак. Афсуски, бундай ҳолатлар юз бераяпти. Биргина реклама роликлари оркали тарғиб этиладиган маданият ёки турмуш тарзи намуналарини олинг. Улар оркали гўёки эҳтиёж учун зарур оддий бир матох тарғиб қилинаётгандек бўлиб кўринса-да унинг замирида бизнинг миллий ахлоқимизга тўғри келмайдиган нимадир яширинган бўлади. Ана шу номсиз нимадир бориб-бориб оммавий маданият оммавий турмуш тарзи тамойилларини белгилайдиган кучга айланиш учун даъвогарлик қилади бизнинг қалбимиздан миллий ўзлик туйғуси, Ватан ҳиссини сиқиб чиқармоқчи бўлади.

Баркамол авлодни атрофлича етук инсон қилиб тарбиялашда, мактабларда ўқитиладиган мусиқа маданияти дарсларининг маънавий-маърифий, тарбиявий аҳамияти каттадир. Шундай ҳолатда мусиқа санъати у миллий қадриятлар асосидаги нафис санъат, у фан, у халқ дарди, тили, дили, маънавий маданий, маърифий тадбирлар мазмунини тарбиявий аҳамиятини теран англашга ёрдам берувчи воситадир. Мусиқа маданияти ўқитувчиси умумий ўрта таълим мактабларида, лицей, коллеж ва мактабдан ташқари муассасаларда ўзига хос миллий маърифатни, маънавиятни, маданиятни ахлоқий тарбияни, мусиқа маданияти дарсларида ва мусиқий байрам тадбирлари воситасида тарғиб этувчи мутахассис сифатида, ўз ўрни ва

мавқейига эгадир. Жамиятимизнинг тараққиёт босқичида ёшларимизнинг шахс сифатидаги маънавий-маърифий, маданий шаклланиши долзарб муаммодир. Ватан тинчлиги, жаҳон ҳамжамиятлари қаторида обру-эътибори, шон-шухрати, ривожланиш ва тараққиёт босқичларида энг муҳим ўрин эгаллайдиган бугунги кун ўқувчиларимиздир. Демак, жамиятимизнинг бугуни, эртаси ва истиқболи ёшларимизга, уларнинг қай даражада билим олишига, тарбияланишига боғлиқдир. Чунки, ёш авлод , ҳаракатчан, илм-фанга, мусиқа санъати ва адабиётга, ахборот технологияларини чуқур ўрганишга фан ва техника тараққиётини пухта ўзлаштиришга ва ҳисса қўшишга ақлан интиладилар. Олий мақсад, ёшларимизни қадриятларимиз асосида тарбиялашдир. Демак, янги авлодни қандай тарбиялаш жараёнларини амалга оширишнинг самарали воситаларини танлаш ва изчиллик билан амалга оширишга боғлиқдир. Бу борада мусиқа маданияти ўқитувчиси аввало, ўзи тарбияланган, юксак маданиятли, маънавий-ахлоқий, маърифий саводли, билимли янги давр талаби асосида пухта билимга эга, катта салоҳиятли, фикр-мулоҳаза юрита олиши давр талабидир.

- Мусиқа маданияти фани мисолида дарслар жараёнида, тарбия бобида янги давр ўзбек зиёлиси сифатида ижобий фазилатлар мазмунини таҳлил қилиб тушунтира олиш;

- Ҳаёт саҳнасида яшаш ва ўқишда намуна кўрсата олиш;

- Комил инсон қиёфасини, ақл-идрок, кенг тафаккур олами билан шахснинг маънавий қиёфасини тарбиялашда, меҳнат қилиш, янги давр талаби асосида фаол фаолият юрита олиш;

- Мусиқий маънавий-маърифий, маданий тадбирларни мустақил тарзда мутахассис сифатида тўла қонли бажара олиши лозим.

Ўқувчиларни ҳар томонлама билимли, савияли қилиб тарбиялашда, мактабларда ўқитиладиган фанлар билан бирга “Мусиқа маданияти” фани ва ўша мутахассисликнинг, дарсдан ташқари ташкил этадиган байрам тадбирлари сценарийларни тайёрлаши, саҳналаштириши ва унда миллий қадриятларимизни урф-одат, маросим ва азалий анъаналаримизни мусиқий

байрамларни юксак маҳорат билан ёш авлодлар қалбига сингдира олиши муҳим аҳамият касб этади. Мусиқа ўқитувчиси чуқур билимли, тадбиркорлик, ташаббускорлик маҳоратини эгаллаган, тарбиялаб таълим берувчи, таълим бериб тарбиячиликни санъат даражасига кўтара олишдек масъулиятни жавобгарликни тушунмоқлари лозим. Давр талаби асосида, мусиқа маданияти фани воситасида ва дарсдан ташқари машғулотларда “мусиқа тўғараги”, “драма тўғараги”, “ракс тўғараги” ва бошқа тўғаракларда, маънавий-маърифий, маданий, ижтимоий ва иқтисодий масалаларда, ёшларни ахлоқий тарбиялаш муаммоларига тўлиқ жалб этишни талаб этади. Ёш авлодларни аввало фанлар, дарслар ва дарсдан ташқари жараёнларда она ватанни, миллий кадриятларни, тарихий манбаларни ўрганадиган, кадрлайдиган ва уни тарғиб этадиган комил инсонларга мутахассисларга талаб эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Бўлажак мусиқа маданияти ўқитувчиси вақтини режалаштириш, уни мазмунли ташкил этишга одатланишларини талаб этади. Ўзбек зиёлисининг маънавий-маърифий маданий шахс сифатлари, унинг ўзини-ўзи бошқара олиши, назорат қилиши имкониятларини кенгайтиришга, ўзини янгитдан кашф этишга, ўқувчилик давридаги вақтини режалаштиришга ва ўқувчининг вақтдан унумли фойдаланишига, унинг фаоллашувига олиб келади. Ўқувчиларнинг режа асосидаги дарсларга мақсадли қатнашиши, мутахассислик фанларини ўзлаштириши ҳамда бўш вақтларида маънавий-маърифий, мусиқий тадбирларга иштирок этиш ва ташкил этишни амалга оширишда билим, савия, малакаларини шакллантиришга ёрдам беради. Бундай жараёнлар мусиқий тадбирларга хос куй-қўшиқларни мустақил тарзда ўрганишга, ижро этишга чорлайди. Бундай жараёнлар бўлажак мусиқа маданияти ўқитувчиларини ўзини-ўзи бошқариши, мустақил фикр-мулоҳаза юритиши фаолият фаоллигининг ошишига, янгиликларни яратишга, ўзбек зиёлиси сифатида такомиллашувига олиб келади. Ўқувчилар томонидан тайёрланадиган тадбирлар сценарийси, талабаларни дарсда ва дарсдан ташқари бўш вақтларини ташкил этишда, бошланғич тажриба, билим, малака



ва кўникмаларнинг шаклланишига олиб келади. Бунда талаба бўлажак мусиқа маданияти ўқитувчиси, мавзуга хос мусиқаларни танлаши, чала олиши, ижро эта олиши каби имкониятларининг ривожланишига такомиллашувига замин яратади. Бундай вазифаларни англамоқ, зиммага олмақ, бўлажак мусиқа маданияти ўқитувчисидан сабр-тоқатни ёшларга хос изланишни, билим ва савияни малака ҳамда ички ва ташқи маънавиятни, маданиятни, қатъиятликни, журъат ва чидамни талаб этади ва тарбиялайди. Шу билан бирга тарихий ва замонавий тадбирларда даврга хос сато, камон, уд, ногора, сурнай, карнай, танбур, най, ғижжак, дутор, доира каби созларни ўрганишга иштиёқ ортади. Миллий чолғу созлардан таралган куй-қўшиқлар тадбирнинг таъсирчанлигини, мазмунини оширишга ёрдам беради. Бунда ижрочи талаба-ёшларда энг аввало, масъулият ҳисси ҳушёрлик, ақл-заковат билан фикр-мулоҳаза юритиш каби ижобий фазилатлар шаклланади. Сўз кудратли курул аммо, мусиқа сўздан ҳам салобатли, теран ҳисларни, инсон қалби ақл-идроки, тафаккури орқали эмоционал ҳолатга келтирувчи гоҳ ҳазин, гоҳ тантанавор, гоҳ лирик, гоҳ драматик, туйғуларни пайдо қиладиган ўта нозик, ўта латиф, ўта кучли таъсир этадиган воситадир. Одам эшитиш, кўриш, ҳис этиш орқали таъсирланади. Сўз санъати, мусиқа санъати, ўзаро узвий боғлиқ ҳолатда яшаши бир-бирини тўлдиради. Мумтоз наволар авлодларга аجدодларимиздан буюк мерос ва сўнмас сарчашмалардир. Миллий ғоя ва истиқлол мафкураси руҳида ёш авлодларни тарбиялаш қадриятларимизни қадрлаш, асраб-авайлаш ҳар бир бўлажак мусиқа маданияти ўқитувчиси ўзбек зиёлисининг бурчи ва вазифасига айланмоғи давр талабидир.

Ахлоқий тарбиянинг ижтимоий аҳамиятига эътибор бериш, ўқувчининг ёши, ҳаёт тажрибаси ва имкониятларига мос бўлиши, уларнинг меҳнат фаолиятлари ижодий ҳаракатда бўлиши, ўз вақтида турли касблар ҳақида маълумотлар бериб борилиши, меҳнат аҳиллари билан доимо суҳбат ва учрашувлар ташкил қилиш кабилар. Таълим муассасаларида ахлоқий тарбиясини олиб бориш махсус дастур асосида амалга оширилади. Ахлоқий

тарбияни шакллантиришни самарали ташкил этишда синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар муҳим ўрин тутди. Мазкур тадбирлар шахс учун ҳам, жамият учун ҳам фойдали бўлиб, шахсни йўналтирувчи хусусиятга эгадир.

## **2.2. Мусиқа дарсларида ахлоқий тарбиялашни шакллантиришнинг аҳамияти.**

Умутаълим мактабларида ўтиладиган «Музыка маданияти» фанини ўзлаштириш жараёнида ўқувчилар бир неча фанлар билан музыка фанини боғлиқлигини билиб оладилар – адабиёт, жисмоний тарбия, физика, математика, тарих ва бошқалар. Музыка дарсининг ўзида эса – музыка назарияси, сольфеджио, музыка тарихи, гармония асослари, музыка асарларининг таҳлили ва бошқа музыка сирлари билан танишадиларким, булар мактаб ўқувчиларини музикаий йўналишда тарбиялашда асосий воситалар қаторига киради. Масалан: дарсининг жамоа (хор) бўлиб қўшиқ айтиш жараёнида биринчидан жамоа (кўпчилик) га, иттифоқликга, бирга куйлашга ўргансалар, иккинчидан ижро этаётган асарнинг муаллифлари: композитор ва шоир ижодиёти билан танишадилар, учинчидан асар мазмунини, мақсадини ва ижро услубларини ҳамда асардаги нюанс белгилари билан танишиб шу нюанслар орқали асарнинг бадиий томонларига эътибор қаратиб ижро этадилар. Хор асаридаги мазмун ва мақсад ўқувчиларни ватанга бўлган муҳаббатини, халқимизнинг меҳнатсеварлигини, инсонпарварлигини куйлаб қўшиқ ижрочилиги воситалари билан музикаий тарбиясининг ривожланаётганлигини изҳор этади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда миллий мафкуранинг аҳамияти ва моҳияти тўғрисида фикр юритганимизда президентимиз И.А.Каримовнинг “Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиши, олишиши мумкин” деган мулоҳазаларга тўхталиб ўтиш лозимдир. Миллий мафкура деганда нимани тушунамиз?–бу саволга президентимиз “Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Иккинчидан қайердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин. Бунинг исботи учун хоҳ тарихдан, хоҳ замонамиздан кўплаб мисоллар келтириш қийин эмас”–дейди.

Комил инсон ким ? Комил инсон–бу озод шахс, еркин фикр етувчи, ўз халқининг идеаллари учун курашувчи инсон, ўз Ватанига ҳалол хизмат қилувчи кишидир. Президентимиз таъбири билан айтганда, “бизнинг асосий

бойлигимиз ривожланган давлат тузишга олиб борадиган йўлдаги асосий тушунчамиз—инсондир. Юксак малакали, юксак маънавиятли ва маданиятли инсондир. Бу марса айниқса ёш авлодга тегишли”.

Жисмоний ва маънавий етук, ўзининг кимлигини теран англаган киши—комил инсондир. Комил инсон ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ўзининг кимлигини ва бошқаларнинг ўзлигини чуқур англайди. Маънавий баркамол, ҳар томонлама комил инсон ғояси нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун-бутун халқларни юксак тараққиёт сари йетаклаган, уларни маънавий ва маърифат соҳасида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирган. Маънавий баркамолликни орзу қилмаган, баркамол авлодларни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ.

Комиллик меҳр-мурувват, адолат, тўғрилиқ, виждон, ор-номус, ирода, тadbиркорлик, матонат каби қўплаб асл инсоний ҳислат ва фазилатларнинг асл мажмуидир.

Маънавий баркамол инсон ғояси азал-азалдан халқимизнинг езгу орзуси, миллат маънавиятининг узвий бир қисми бўлиб келган.

Халқимизнинг келажаги энг аввало унинг ўзига, маънавий қудратига ва миллий онгининг ижодий кучига боғлиқдир. Бугунги кунда маънавий етук ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш биз учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги кечиктириб бўлмайдиган вазифа ҳисобланади. Бу езгу мақсад йўлида амалга оширилаётган ишларимизни изчиллик ва қатъиятлилиқ билан давом эттириш бугунги сиёсатимизнинг диққат марказида турибди. Ҳақиқатдан ҳам мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ бу масалага катта эътибор бериб келинмоқда. Жамиятимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири— ўзида миллий ғоя ва миллий мафкура тушунчаларини мужассамлаштирган комил инсонни етиштиришдир. Ана шу вазифани ҳал қилишда таълим-тарбия тизими муҳим ўрин тутди.

Мазкур тизимда ёшларни мусиқа таълими орқали тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Мусиқа таълими талаба ёшларнинг миллий, маънавий ва ахлоқий тарбиясига катта таъсир кўрсатади.

Бизга маълумки мусиқа ижтимоий ҳаётимизда кенг ўрин, асрлар оша инсон маънавий ҳаётида улкан аҳамият касб этиб келмоқда. Бу борада IX аср охири ва XI аср бошларида яшаб ижод қилган мутафаккирлардан Абу Наср Форобий, Ибн Сино, ўз даврининг атоқли шоирларидан А.Жомий ва бошқалар мусиқа санъатининг қудратли таъсирчан, тарбиявий аҳамияти тўғрисида тўхталиб ўтганлар. Жумладан Форобийнинг фикрича “санъат кишиларнинг ахлоқий ва эстетик тарбияси билан бир қаторда унинг инсоний саломатлиги ва руҳий тетиклиги учун ҳам кучли таъсир этишига тўхталиб ўтамыз”. Шунингдек, Ибн Сино ҳам ўзининг “Донишнома” асарида қадимий ҳикмат фанларидан бештасини киритиб, уларнинг моҳияти ва мазмунини асослаб беради. Шулардан бири “Мусиқа билимидир”, яъни товушларнинг оҳангдорлиги ва нооҳангдорлиги ҳақидаги билим. Ибн Сино ўз фикрини билдирган ҳолда шундай дейди: “Кичкинтойларнинг организми учун фойдали нарса бу “Енгил тарбия” куй ва мусиқадир. Мана шу икала нарсани ўзлаштиришга қараб, унда жисмоний машқларга мойиллик туғилади: Биринчиси танага, иккинчиси қалбга тааллуқлидир”, дейди. Бундан ташқари Рудакий ҳам “Турли ирқ ва эътиқоддаги халқлар, элатларнинг бирлиги, ҳамкорлигини, бир-бири билан ҳамжиҳатлиги ва дўстлигини куйлаган—бу санъаткордир” ва куйидаги мисраларни келтириб ўтади:

Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,

Дўстлар диёридан бўлолмас устун.

Санъат—бу инсонга хос шундай фаолият турики, унинг воситасида бир инсон ўз бошидан кечираётган ҳиссиётларининг ташқи белгилари орқали бошқаларга кўчирадилар, диладан ҳис этадилар.

Мусиқа энг аввало киши тасаввурида образлар яратиши орқали инсон руҳиятига сингиб боради. Яхши, ёқимли мусиқа кишида яхши кайфият

уйғотади ва у киши руҳига кўтаринкилик олиб киради. Маълум муаммолар олдида ўзини бардам ҳис қилади ва турли ҳаётий ҳолатларда кўрсатишга тайёр бўлади. Мусиқа асарларида кўтаринкилик кайфияти фақат шодлик ва хурсандчиликни ифодалагина қолмай, балки тингловчиларда қахрамонлик, инсонпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик, эрксеварлик, байналминаллик, меҳрибонлик ва ҳоказо ижобий ҳислатларнинг пайдо бўлишига ҳам олиб келади.

Мусиқа санъати баъзан шундай кучга, чуқур маъно ва мазмунга эга бўладики, ундан олинган таассуротларни таърифлашга баъзан инсон тили ожизлик қилади.

Шундай экан, сирли оҳанглар орқали жамиятимизнинг асоси бўлмиш— ёшларда миллий ғоя тушунчасини шакллантириш давр талаби бўлиб қолмоқда.

“Мусиқа деб аталмиш илоҳий бу мўъжизада шундай бир сеҳр мужассамки, уни тушуниш, таъсирини сезиш учун ҳеч қандай таржимоннинг кераги йўқ”—деган эди президентимиз И.А.Каримов. Асрлар мобайнида шаклланган бебаҳо меърос бўлиб келаётган халқ қўшиқлари, катта ашула ва мақомлар халқнинг маънавий-ғоявий хазинаси бўлиши билан бирга халқнинг халқнинг улкан ҳаёт мактабидир. Халқ мусиқий меъросини атрофлича ўрганиш талаба ёшларда халқимиз томонидан қуйланиб келинаётган ватанпарварлик, комил инсон, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, фидоийлик ва бошқа миллий ғоя тушунчаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Мусиқа инсоннинг онги ва маънавий дунёсига катта таъсир кўрсатади, шу сабабли у инсон учун маънавий гўзалликнинг, қалби покликнинг катта манбаи бўлиши мумкин.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, мустақил Ўзбекистонимизнинг куч-қудрати бўлмиш баркамол шахс, комил инсонни ҳар томонлама етук қилиб тайёрлаш учун аввало унинг маънавий дунёсини

бойитиш, ўтмиш ва бугунги миллий ва маънавий ғоялар билан мужассамалаштирилган ҳолда тарбиялаш зарур.

Муסיқа умумий таълим мактабларида ўқувчиларга гуманистик тарбия сифатида, хусусан ахлоқий тарбия беришнинг ажралмас қисми сифатида ўқитилади. Муסיқа бевосита ҳис-туйғуларга қаратилганлиги туфайли болаларни асарда ифодаланган кечинмалар ва фикрлар доирасига фoал равишда жалб қилади. Мана шунинг учун ҳам муסיқа бир вақтда минглаб кишилар билан ҳис-туйғулар тилида инсонининг қалб тилида сўзлашиш имкониятига эга.

Муסיқа ўз табиатига кўра, кишилар ҳаёти уларнинг ўз-ўзларига, турли воқеликка бўладиган муносабатини ва бошқа ички кечинмаларини хилма-хил товушлар бўёқлари орқали, бадиий образлар орқали тасвирлайди. Муסיқа инсон ҳиссиётига кучли таъсир эта олиш хусусияти билан тарбиялашнинг муҳим воситасидир.

Умумий таълим мактабларида, жумладан, бошланғич синфларда муסיқа куйидаги вазифаларни амалга оширишни мақсад қилиб олади:

1.Ўқувчиларда муסיқага ихлос уйғотиш, уларнинг муסיқавий қобилияти ритм туйғусини, муסיқавий ўқувини, диққати, тасаввурини ва хотирасини бадиий дидини ўстириш..

2.Ўқувчиларнинг маънавий қиёфасини такомиллаштириш, товушлардаги, табиатдаги, кишилар муомаласидаги гўзалликни кўра олиш, ҳис этиш ва ўзлаштира олишга ўргатиш Она – Ватанга мухаббат, фуқаролик маъсулиятини ҳис қилиш, жамиятга фойда келтириш иштиёқ, фарзандлик, ўқувчилик ва жамоатчилик олдидаги бурчни англаш, дўстлик ва ўртоқлик ва байналминалчилик туйғуларни ҳис этиш, ҳаётда фаол ўринда туриш каби олий ҳисларни, ахлоқий тушунчаларни сингдиришдир. Дидсизлик, хунуклик, ғоясизлик, тубанлик ва бошқа салбий ҳислатларга нисбатан ҳаётга муросасиз бўлишни тарбиялаш керак.

3. Ўқувчиларнинг бадиий ижодкорлик қобилиятини ўстириш. Гўзалликни ҳаётга, ўқиш, меҳнат ва хатти-ҳаракатларга олиб кириш. Ўз-ўзига атрофдаги барча нарсаларга гўзалликга кирита олиш..

Бошланғич синфларда махсус олий ва ўрта мусиқа маълумотли мутахасислар билан бир каторда бошланғич синф ўқитувчилари ҳам мусиқа дарсларини мутахасислар олиб боришлиги кўтарилган бўлсада, мусиқа ўқитувчилари етарли эмаслиги сабабли буни амалга ошириш имконияти бўлмапти. Шунинг учун институтларнинг бошланғич таълим методикаси бўлимларида мусиқа таълимини жиддий йулга қўйиш, мусиқа мутахасислари етарли бўлмаган мактабларнинг ишлаётган бошлаётган синф ўқитувчиларини малака ошириш курсларида қайта тайёрлаш зарур. Шунингдек мусикадан махсус билими бўлмаган бошланғич синф ўқитувчилари мусиқа мутахасислари билан ҳамкорликда бамаслаҳат иш олиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Маълумки мусиқа дарсларида таълим-тарбия бирлиги қуйидаги асосий қисмларни ўз ичига олади.

1. Ашула ва хор ижро этиш.
2. Мусиқа саводига ўргатиш
3. Мусиқа тинглаш.

1. Ашула – хор ижрочилиги мусиқа дарсининг асоси сифатида бевосита ўқувчиларнинг фаол иштироки билан амалга ошириш билан ҳам ўзига хосдир. Куйлаш жараёни мураккаб психологик-физиологик ҳолатларда кечади. Бунда ўқувчилар олий нерв фаолияти тезлашади. Миянинг остки ижобий завқ-шавқ марказлари ишга тушади. Болаларда юксак бир бадиий кўтаринкилик кайфияти пайдо бўлади. Шунингдек, овоз хосил қилиш аъзолари: бўғиз товуш пайчалари, нафас, жағлар ва лабларнинг умумий куйлаш куникмаларни мукаммаллашиб боради.

Қўшиқлардан тарбиявий фойдаланиш ҳар бир синф ўқувчиларнинг ёши ва мусиқавий қобилияти ва овоз имкониятини ҳисобга олган ҳолда мавзуси ва тавсифи жихатидан турлича булган асарларни танлаш тавсия



килинади. Ўрганиш учун мулжалланган кўшиқлар репертуаридан Она – ватанга, унинг табиати, жониворлари, халқимизнинг меҳнати ва ҳаёти билан боғланган турли байрамлар, фасл кўшиқлар хилма-хил жанрларга, ахлоқ-одоб мавзусига кенг ўрин берилиши керак.

Танланган кўшиқлар хилма-хил жанрларда бўлиб, лирик кўшиқлар, ҳазил мутойиба тарзидаги кўшиқлар, болалар халқ кўшиқлари, болалар ўйинларини ўйнаш учун мос келадиган кўшиқлар, маршлар ва вальслардан иборат бўлиши керак.

Шунингдек, ашула–хор ижрочилигида қардош жумҳуриятлар композиторларининг рус ва чет эл классик композиторларининг асарлари, дунё халқларнинг кўшиқларидан намуналари ҳам ўргатилади. Ўргатиладиган кўшиқларнинг ғоявий-ахлоқий ва эстетик мазмунини ўқувчиларга яхшироқ сингдириш учун темага хос кириш, этик суҳбатлар, савол-жавоблар, ифодали ўқиш, расмлар таҳлил қилиш, дафтарга, темага хос расмлар чизиб келиш, эски газета ва журналлардан расмлар кесиб ёпиштириш каби усуллардан кенг фойдаланиш тавсия қилинади.

Муסיқа асарлари ижро давомида бепоён вақтнинг маълум бир бўлагига яшайди ва шу вақтнинг давомийлиги туфайли инсоннинг ички дунёсини, ҳис туйғуларнинг ва фикрларини ривожлантиришда ифодалаб беради, инсон ҳаяжонли ҳолатининг энг нозик ўзгаришларини изҳор этиди.

Том маънодаги сеҳрли муסיқа тилни тушунмоқ учун унинг воситаларидан, оддий қоидалардан саводхон бўлиш керак.

Хўш, муסיқанинг ифода воситалари нималардан иборат, овоз ёрдамида инсоннинг бутун ички дунёсини ифодалай оладиган муסיқа тили нима?

Муסיқа ритмлари алоҳида ташкил топувчанлиги ва ифодалиги билан фарқ қилиб туради. Ритм аниқлиги бир меъёردа такрорланиб турадиган тактлар, бир зайлда куйлаш ва ҳаракат қилишни осонлаштирибгина қолмай, балки, халққа куч ғайрат, ирода бахш этадиган восита ҳамдир. Муסיқани чуқур тушунмоқ учун унинг барча ифода воситаларини, назариясини, нота-ёзув системасини изчил ўрганиб бориш керак. Муסיқанинг бадиий таъсир

бойлиги кишини онгини бениҳоя ҳаяжонлантиради, мусиқа образларининг ривожланиши кузатиб боришга, руҳий кечирилган воқеалар устида ўйлашга мажбур этади.

Шунинг учун ўқувчиларни ҳақиқий, реалистик мусиқа асарларини севиш ва уни махсус тинглашга тайёрлаш керак. Чинаккам мусиқада унинг бутун ифода воситалари ишга солинади. Мусиқа тилнинг барча бойликларидан фойдаланилади.

Модомики мусиқа ўзининг ижро ривожланиш жараёнида тараққий қилар экан, у ҳолда мусиқани чуқур ҳис қила билмоқ учун мусиқани тинглашни ўрганиш керак. Мусиқани тинглашдан чиқарилган ғоявий хулосалар китобларда ҳосил бўлган хулосалардек очиқ ва аниқ бўлмасда, лекин куп мусиқа асарлари ғоявий мазмунининг кучи ғоятда буюқдир.

XX асрнинг буюқ композитори Д. Шостакович мусиқа тарбиясининг жуда катта аҳамияти ҳақида гапириб, йигит ва қизларга мурожаат қилиб бундай деган эди: - " Буюқ мусиқа санъатини севинг ва ўрганинг". Бу санъат сизга бутун бир юксак туйғулар, завқ-ҳаваслар, ғоялар оламини очиқ беради. У сизни маънавий жиҳатдан бойроқ, софроқ ва баркамолроқ қилади, мусиқа туфайли сиз ўзингизда янги, илгари сизга сезилмаган кучлар топасиз. Сиз ҳаётни янги ранг ва буёқларда кўрасиз. Мусиқа сизни жамиятимизнинг муддаоси бўлган энг баркамол инсон идеалига яқинлаштиради.

Мусиқа муаллимларининг вазифаси болаларда ҳаёт гўзалликларини севиш инсоният яратган бадиий дурдоналардан танишиш ва ҳайратланиш ҳиссини уйғотишдир. Болалар маънавий дунёсини шакллантирадиган манбалар турли-тумандир. Ана шундай муҳим манбалардан бири эса қўшиқ санъатидир. Болалар қўшиқ ижро қилар экан, мусиқани чуқур идрок қила бошлайди ўз туйғуларини фаолроқ ифода қилади, ўраб турган атроф-муҳит садоларини эшитади ва унга ўз муносабатини билдиради.

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари бир қадар ривожланиш босқичида бўлади. Уларнинг нутқ маданияти етарли даражада тараққий топган, ўрганаётган қўшиқ мазмуни ҳақида ўз фикр-мулоҳазасини билдира оладиган,

Ўзининг ва ўртоқларининг куйлаш хусусиятларини баҳолайдиган бўлади. Ўқиш жараёнида улар мустақил ва фаол бўладилар. Уларнинг мусиқий таассуротлари ҳам мақсад сари йуналган бўлади. Ўқувчилар мустақил мусиқа тарзини, мусиқа ҳаракат белгиларининг ўзгаришини, қўшиқ суъятини алмашишини, куйнинг паст, баланд йуналишини аниқлай оладилар. Улар мусиқадаги товушлар баландлик ва чүзимини фарқлай биладилар. Ўқувчиларда овоз-эшитув мувофиқлашуви турғун ҳолатга келиб қолган бўлади. Мактаб ўқувчиларининг умумий мусиқий дунёкараши анча шаклланган, адабиётдан, тасвирий санъатдан ва ҳаёт воқеа-ҳодисаларидан таъсирланган тасаввур дунёси ранг-баранг бўлади. Ўқувчилар билан мусиқа машғулоти олиб борадиган муаллимлар, нафақат уларнинг руҳий томонига, балки жисмоний ўзига ҳослигига ҳам эътибор беришлари керак. Бошланғич синф ўқувчиларида ҳам ҳали овоз мушаклари тўлиқ шаклланиб улгурмаган бўлади. Улар кўпинча овоз лайчаларини зўриқтириб товуш ҳосил қиладилар ва бақириб овоз тембрини бузадилар. Уларни тана мушакларини таранглаштирмасдан енгил ёрқин ва табиий куйлашга ўргатиб бориш керак.

Ҳамма мусиқа муаллимларига маълумки, товуш ҳосил қилиш ва чиройли куйлашда нафаснинг аҳамияти жуда катта. Шунинг учун нафас устида тинимсиз машқлар олиб боришга тўғри келади.

Бошланғич синф ўқувчиларида ўпка ҳаво сиғими анчагина катта, нафаси бир мунча чуқур бўлади. Шунинг учун улар билан узунроқ мусиқий жумлаларни ҳам ўрганса бўлади, бу эса ўз навбатида нафаснинг яна ривожланиши ва турғунлашишига ёрдам беради.

Мусиқа дарсларида ўқувчилар олдида қуйидаги вазифаларни бажариш туради: биринчи октаванинг до товушидан иккинчи октаванинг ре товушигача бўлган ораликдаги пардаларда ёзилган куйларни ифодали айтиш тўғри нафас олиш, якка ва омма билан мустақил куйлай олиш мусиқа ифода воситаларининг барчасини ўзлаштириб бориш.

"Мусиқа саводи" дарслигига бошланғич таълим дастури буйича шакл ва мазмун жиҳатидан ранг-баранг қўшиқлар киритилган. Бу қўшиқларнинг ҳар

бирининг мусикий тарзини, ўқувчилар ҳис-туйғу кўригидан ўтказиши ва мусиқавий хотирасига кўчириши керак. Бундан ташқи мусиқа муаллимлари бастакорларнинг янги яратаётган, чиройли оҳангли болалар кўшиқларидан ҳам фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун радио ва телекўрсатувдаги махсус болаларга ашула ўргатиш эшиттиришини ва кўрсатувини ёзиб олиш ёки янги кўшиқлардан тузилган тўпламларидан фойдаланиш керак.

Бошланғич синфларда мусиқа кўникмаларини ривожлантириб боравериш керак, айниқса кўшиқларни ўрганиш олдидан ўтказиладиган тайёргарлик куйлаш машқларига жуда катта аҳамият бериш керак. Чунки бу товуш баландлигини аниқ эшитиш қобилиятини аниқ куйлашни овоз ҳажмининг кенгайишини ривожлантиради. Мусикий эшитиш қобилияти тараккийсида ва оҳанг тозалигига эришишда мусиқа жумлаларини узлуксиз занжир усулида куйлаш катта натижалар беради. Бу усул шундайки бир ўқувчи биринчи жумлани куйлаб тўхтаган жойдан навбатдаги ўқувчи бошлаб кетаверади ва шундай қилиб занжир шаклида кетма-кетлик ҳосил бўлади. Яна бир яхши томони шундаки, бу усул билан бутун синфдаги ҳар боланинг мусиқавий қобилиятини ва куйлаш кўникма малакаларини ҳар дарсда синовдан ўтказиб туриш мумкин. Бу ерда ким тўғри айтаётгани ва ким нотўғри айтаётгани ҳам ойдин бўлиб қолади. Яна бир ибратли томони, бу усулда бутун синф фаоллашади, диққат бир жойга тўпланади, чунки ҳар бир ўқувчи ўз ўртоқини сергаклик билан кузатиб, навбатдаги жумлага кечикиб қолмасликка ҳаракат қилади. Занжирли куйлаш тўғри нафас олиш кўникмаларини ҳам мустаҳкамлайди.

Ўқувчиларини жўрсиз куйлаш усулига ҳам ўргата бориш керак. Бунда фақат кўшиқнинг бузиб айтилаётган жойларида асбобни жўр қилиб тўғрилаб юбориш керак. Мусиқа муаллимларининг олдида ҳар бир кўшиқнинг бадиий образларини оча билиш ва уни ҳар бир ўқувчига етказиш вазифаси туради. Ўқитувчи кўшиқни ўргатиш олдидан қисқагина кириш суҳбати ўтказишни унутмаслик керак. Бу синфда кўшиққа нисбатан ижобий руҳий иқлим яратади. Ўрганилаётган кўшиқ матнидан келиб чиқиб унинг мазмунини янада очадиган

халқ мақоллари ва ҳикматларидан фойдаланиш ҳам ўринли. Ўрганилаётган қўшиқ ватан ҳақида бўлса, "Булбул чаманни севар, инсон Ватан-ни", она ҳақида бўлса "Она билан бола-гул билан лола", дўстлик ҳақида бўлса "Дўст-дўстнинг ойнаси" каби мақоллар келтирилса ўрганилажак қўшиққа ўқувчиларнинг руҳий жозибаси янада ошади. Қўтаринки кайфият ўрганилаётган асарни тез ўзлаштириш имконини беради.

Маънавий-ахлоқий фазилатларни ўқувчиларнинг Ватанга, меҳнатга, инсонларга бўлган муҳаббати каби серкирра манбалари унда маънавий эҳтиёж ва қизиқиш уйғотишда, маънавий фаолият ва қадриятларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, маънавий-ахлоқий манбалар ўқувчида маънавий фазилатнинг таркибий қисмларини шакллантириш воситасидир.

Давлатимизнинг маданият, халқ таълими, янги инсонни тарбиялаш борасидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаолияти ўзбек оилаларининг тўла маънода эркин ва ҳар томонлама камолоти учун асосдир. Бугунги кунда таълим соҳасида фаолият олиб бораётган барча мутасаддилар бола тарбияси билан шуғулланишнинг замонавий ислохотларга бой йўналишлари асосида олиб бомоқдалар. Ўз байроғимиз, тамғамиз ва мадҳиямизга эга бўлдик. Мустақилликнинг маданий-маърифий жабҳадаги ютуғи ва сабоқларидан яна бири шундан иборатки, халқимиз ўзининг буюк тарихи ва миллий ўзлигини чуқур англади. Аجدодларимиз қолдирган бебаҳо меросдан баҳраманд бўлдилар. Ўз келажагини, ўз истиқболини буюк тарихимиз мезони билан ўлчашни, уни аниқ ва кенг қўламда тасаввур этишни ўргана бошлади.

## **Х У Л О С А**

Муסיқа ва ахлоқий тарбия шундай воситаки, у янги авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади, инсон руҳий оламига бевосита таъсир кўрсатади, тингловчи дунёқарашини шакллантиради. Айни чоқда у инсоннинг маънавий эҳтиёжларини қондиради, ҳис-туйғуларини бойитади.

Инсон ҳаётида кўшиқ ва ахлоқий тарбиянинг ҳамиша ўз ўрни, ўз вазифаси мавжуд у эрмакка тўқилмаган, ҳавасга айтилмаган, бекорчиликдан эшитилмаган: кўшиқ кишиларни яшашга, курашга чорлаган, меҳнатга, муҳаббатга руҳлантирган, дарду қайғусига малҳам, бахту қувончига шерик бўлган. Кўшиқнинг халқ орзу-армонларининг ифодаси, халқ руҳиятининг кўзгуси ҳисобланиши шундан.

Инсоннинг гўзаллик туйғусини тараққий эттирмай туриб, маънавий баркамол инсон ҳақида гапириб бўлмайди.

Токи одамзод ўзини қуршаб турган ташқи оламда, ўзи яшаётган жамиятда, ўзи билан мулоқотда бўлаётган кишиларда тарихан шаклланган ва муайян даврда амал қилинаётган бадий ижод намуналарида мужассамлашган гўзалликни ҳис қила олмас экан, ҳеч қачон маънавий баркамол инсон даражасига кўтарила олмайди.

Муסיқа ва ахлоқ тарбияси ана шу нозик туйғуларни шакллантириш ва тарбиялашнинг қудратли воситаларидан биридир.

Шахсни камол топтиришда муסיқа маданиятининг ўрни ва аҳамиятини очиб бериш, биринчидан, инсон ва унинг моҳияти масаласини, иккинчидан, маърифатлилик кўламини, учинчидан, маънавий камолотда муסיқа эга бўлган имкониятларни аниқлаш демакдир.

Бу ўринда ахлоқий тарбия жараёнида ўқувчиларнинг онги ва миллий тафаккурини ўстириш алоҳида аҳамиятга молик. Муסיқани тушуниш, унинг оромбахш таъсиридан баҳраманд бўлиш билим, малака ва кўникмалар қатори эмоционал ҳис-туйғуларнинг иштирокига ҳам боғлиқ. Асарни ижро ва идрок этишда ҳис-туйғулар қанчалик фаол ва чуқур бўлса, уларни тушуниш ва ўзлаштириш, тўйиниш ва завқ олиш ҳам шунчалик онгли ва чуқур бўлади. Бу ҳолатлар эса ўз ўрнида ижодий фаоллик натижасида содир бўладиган жараёндир. Зеро зерикарли ва сокинлик ҳолати синфда жонли ҳиссиёт ҳолатини ташкил эта олмайди. Ўқувчиларда ахлоқий тарбиясини ўстириш учун биринчи навбатда тинглаш ва ижро этиш учун танланадиган асарлар репертуари ҳам муҳим аҳамият касб этади.. Бошланғич синфлар учун

танланадиган асарлар репертуарининг асосий мезони ўқувчиларнинг ёшларга, қизиқишлари, билим ва кўникмалар даражасига мос бўлиш, тематиканинг ранг-баранглиги, ғоявий-бадий сифати ҳамда педагогик қиммати билан белгиланади. Бошқача сўз билан айтганда, мактабда ўқувчиларнинг ёшлари ва идрок этиш қобилиятлари мос келадиган ўтмиш ва ҳозирги замоннинг энг юксак ғоя ва образларини акс эттирадиган, ўзининг форма ва мазмуни билан гўзал ва ҳаётбахш, нафис ва хушоҳанг асарлар янграши лозим. Зеро фақат мана шундай асарларгина ўқувчиларда дарсга нисбатан қизиқиш ва ҳавас уйғота олади, ахлоқий-эстетик ҳиссиётларини, зарур бўлган қобилиятларини ўстириб боради. Бу ўринда замонавий кўшиқлар катори халқ кўшиқларидан кенг ва оқилона фойдаланиш дарсни янада қизиқарли ва сермазмун бўлишини таъминлайди, ёш ижрочиларда халқимиз ижодига, унинг мусиқа ва кўшиқ санъатига бўлган меҳр ва муҳаббат туйғуларини шакллантириб боради. Ҳар бир дарсда ижодий фаоллик юзага келади. Ўқувчиларни хор санъатига қизиқтириш дарсларни нақадар қизиқарли, мазмунли, тушунарли ва қолаверса материалларнинг ранг-баранг бўлишлигига боғлиқдир. Мусиқа асарлари, ранг-баранг кўргазмали куруллар, мусиқа ҳақидаги қизиқарли факт ва маълумотларга бой бўлган, бошидан охиригача сушт бўлмаган суръатда ташкил қилинадиган хор дарслари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади.

Шунинг учун ҳам ёш авлодни миллий онг ва миллий мафкура руҳида тарбиялаш ишига барча воситалар ишга солинмоқда.

Бу жараённинг асосий томони шуки, умумтаълим мактаблари “Мусиқа маданияти” дарсларининг “ахлоқ тарбияси” қисмига жуда кенг ўрин берилган, уларни тўлақонли ўтиш жуда муҳимдир. Агар “Мусиқа маданияти” дарсларининг жараёнида ўқувчиларнинг ахлоқ тарбияси талаб даражасида шакллантирилса, ўқувчиларда ахлоқий маданиятни шаклланишининг самарадорлиги ошади. Шу жараён орқали бизнинг миллий мусиқа бойлигимиз, мумтоз кўшиқ куйларимиз келгуси авлод онгига чуқур сингиб

бориши амалга ошади. Энди ўқувчиларимизда меҳнатсеварликка ўргатиш учун нималар қилиш керак:

1. Шу фаолиятга доир қўлланмалар яратиш зарур;
2. Таълим-тарбияга оид репертуар танлаш керак;
3. Синфдан ва мактабдан ташқари бўлиб ўтадиган муסיкий тадбирларда ўқувчиларда ахлоқ тарбиясини ўстиришда кўпроқ эътибор бериш;

Демак муסיкий фаолиятда ўқувчиларимизнинг ахлоқ тарбияси ўсиши шакланса бундай ўқувчи эртанги кунда ўз ота-онасига ва ва атрофдагиларига меҳр-оқибати, Ватанига, халқига бўлган ватанпарварона ҳиссиёти янада ўсиб бораверади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. “ Юксак маънавият-енгилмас куч” Т.,“ Маънавият” 2009 й
2. Каримов И.А.” Баркамол авлод орзуси”
3. Каримов И.А. “ Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”



- “ Шарқ” Т.,1998 й
- 4.Каримов И.А. “ Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” Т., “Ўзбекистон” 1992 й
  5. Ўзбекистон Республикаси “ Таълим тўғрисидаги Қонун” Тошкент шаҳри 1997 йил
  6. Абдуллаева Ш. Ибрагимова Қ. “ Педагогика назарияси” Т.” Талқин” 2008 й
  7. Аскаров. Ў ва бошқалар “ Педагогика” Т., ” Талқин” 2008 й
  8. Бегматов.С ва бошқалар “ Мусиқа” 1-синф учун дарслик. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 2002 й.
  9. Бошланғич таълим 2000 й 6-сон
  10. Каримова Д. “ Мусикий педагогик маҳорат асослари” Т.,” Иқтисод-молия” 2008 й.
  11. Нурматов.Ҳ ва бошқалар “ Мусиқа” 2-синф учун дарслик. Ғ. Ғулом номидаги нашриёт- матбаа ижодий уйи. Т., 2004 й.
  12. Узлуксиз таълим тизимида мусиқа фанлари ўқитиш масаласи ТДПУ. Т., 2009 й.
  13. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Т., 2000й.
  14. Мирзаев Қ. “Вокал-хор жамоалари билан ишлаш методикаси” Т., 2010 й.
  15. Мирзаев Қ.Т. “Хор жамоалари билан ишлаш услубиёти”. Ўқув-методик қўлланма. Т., А.Қодирий номидаги ТошДМИ босмахонаси. 2008
  16. Мирзаев Қ.Т. “Болалар хор жамоаси билан ишлаш услубиёти”. Т., ЎзРФААК босмахонаси. 2009 й.
  17. Мирзаев Қ.Т. “Аралаш хор жамоалари билан ишлаш услубиёти”. Т., ЎзРФААК босмахонаси. 2009 й.
  18. Шарипова Г.М. “ Мусиқа ўқитиш методикаси” методик қўлланма
  19. Шарафиева Н.С. “Хор синфи”. Мусиқа нашриёти. Т., 2005
  20. Шукуров Ж.Т. Дирижёрлик. “Истиқлол” нашриёти. Т., 2006
  21. Турназаров Н. “ Мусиқа ўқитиш методикаси ва мактаб репертуари” Термиз 2006 йил
  22. Қодиров Р.Ғ. Бошланғич мактабда кўп овозли куйлаш. Т., 1997

23. Хамраев И.Х. Сольфеджио. Т., 1977
24. Халқ таълими 2000 йил 2-сон
25. Халқ таълими 2001 йил 1-сон
26. I синф Мусиқа дарслиги- Т.: Шарқ 1999 йил
27. II синф Мусиқа дарслиги- Т.: Шарқ 1999 йил
28. III синф Мусиқа дарслиги- Т.: Шарқ 1999 йил
29. IV синф Мусиқа дарслиги- Т.: Шарқ 1999 йил
30. V синф Мусиқа дарслиги- Т.: Шарқ 1999 йил
31. VI синф Мусиқа дарслиги- Т.: Шарқ 1999 йил
32. VII синф Мусиқа дарслиги- Т.: Шарқ 1999 йил

<http://www.guldu.uz/>

<http://www.gduportal.uz/>

<http://www.ziyonet.uz/>

<http://www.guldu.zn.uz/>

**1-илова**

### **1-соатлик дарс сценарийси**

**Мавзу:** “ Яхши бола ” Надим Норхўжаев мусиқаси, Пўлат Мўмин шеъри.

**Дарсинг мақсади:**

- Ўқувчиларга мусиқа тинглашни ўргатиш.
- уларда кўшиқ орқали мусиқий эшитув малакаларини шакллантириш.
- жамоа бўлиб куйлаш қобилиятларини шакллантириш.
- мусиқа тинглаш орқали ўқувчиларнинг мусиқий идрокларини ривожлантириш.
- Ўрганилаётган кўшиқ орқали ўқувчиларнинг ахлоқий тарбиясига ижобий таъсир ўтказиш.

**Дарснинг методи:** аралаш

**Дарснинг жиҳози:** 1 – синф мусиқа дарслиги, конспект, фортепиано, плакатлар, расмлар. Мавзуга оид буклетлар, болаларни рағбатлантирувчи карточкалар.

**Дарснинг бориши:**

Ўқувчилар дарсга кириб келишади, саломлашиб давомат аниқланади.

**Ташкилий қисм.**

Ўқувчиларни дарс бошлашга тайёрлаш, яъни мусиқа дарсида қандай ўтириш керак эканлигини, куйлаганда гавда қандай ҳолатда туришини эслатиб, уларни тўғри ўтказиб оламиз. Болаларни икки гуруҳга бўламиз.

1. “Юлдузча” гуруҳи

2. “Қуёш” гуруҳи

**Ўқитувчи:** Қани болалар, кўрамиз бугун қайси гуруҳ дарсга фаол қатнашиб, кўпроқ рағбат карточкаларини йиғади. Қани энди ҳаммамиз тўғри ўтириб, овоз созлаш машқларини бажарасиз.

**Овоз созлаш машқлари:**

До, ре, ми, фа, соль, ля, си, до

До, ре, ми, фа, соль, ля, си, до (бир неча бор қайради)

До – до, ре – ре, ми – ми, фа – фа,

соль – соль, ля – ля, си – си, до – до

До – ми – соль – ми до (бир неча марта қайтарилади)

**Ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш:**

**Ўқитувчи:** Қани энди ўтган қўшиқларимизни бир эслаймиз, уйга берган қўшиқни номи нима эди ?

**Ўқувчи:** “Капалак қўшиғи”

**Ўқитувчи:** Қани энди ҳаммамиз қўшиғимизни бир эслаб оламиз ва биргаликда кейин якка ҳолда сўрайман.

Қўшиқни сўраб бўлгач. Карточкалар билан рағбатлантирилади. Кейин янги мавзу ўтилади.

**Янги мавзу баёни:**

**Ўқитувчи:** Биз сизлар билан бугун янги мавзу ўтамыз. Бугунги мавзуимиз “Яхши бола” қўшиғи ва янги мавзунини ўтиш билан биргаликда ўтган мавзу юзасидан ҳам савол-жавоб қилиб оламиз.

(Савол ёзилган карточкалар тарқатилади.)

**Ўқитувчи:** Биз ўтган сафар А.Моцарт ҳаёти ва ижодини ўтгандик. Сизлар карточкаларга тайёргарлик кўришингизга қадар мен янги мавзу ҳақида гапириб бераман.

“Яхши бола” деганда авваламбор ҳаммамизни кўз олдимизга яхши хулқ эгаси келади. Биз доимо яхши хулқли одобли ва ахлоқли бўлишимиз керак. Агарда яхши хулқ эгаси бўлсангиз дўстларингиз ҳам кўпаяверади, ҳамма жойда ишингиз унумли бўлади.

Доимо яхши ўқиб яхши хулқ эгаси бўлишимиз керак тўғрими?

**Ўқувчилар:** Ҳа

**Ўқитувчи:** Шундай экан, биз домо катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда, ватанимизни ва каттаю-кичикларга бўлган ҳурматимизни қўшиқларимизда мадҳ этишимиз лозим. Ватанимиз урф-одатларига ҳурматимизни кўрсатишимиз, ватанимиздан фахрланишимиз керак. Мана бугунги мавзуимиз бўйича ҳам анчагина маълумотга эга бўлдик. Энди эса тарқатилган саволли карточкаларга жавоб берасиз.

**Ўқувчилар:** Саволга жавоблари.

1. Чет эл композиторларидан санаб беринг? – М. Глинка, В. Моцарт, Л. Бетховен, Ф. Шопен.

2. Ватанни нима учун онага қиёслаймиз? – Чунки она каби бизни ўз бағрида катта қилганлиги ва нозу-неъматларидан баҳраманд қилгани учун.
3. Комил инсон деганда нимани тушунаси? – Комил инсон одобли ота – онасини ҳурмат қиладиган ва ҳар томонлама етук инсонга айтилади.
4. Бутун нота нечага саналади, дирижёрлик қилиб кўрсатинг.
- Бутун нота 4 и га саналади.

### **Муסיқа саводи:**

-Ўқувчилар бугун биз сизлар дилан дирижёрлик ҳаракатларини ўрганамиз. Дирижёрлик ҳаракати кўрсатилиб, улар ҳаммаси ўрнидан туриб, биргаликда бажаришади.

### **Янги қўшиқ – “ Яхши бола”**

**Ҳ.Раҳмат шеъри, Н.Норхўжаев муסיқаси.**

1. Ўлчови - 4/2
  2. Темпи – Moderato - (ohnfxf)
  3. Тоналлилиги – Ми мажор
  4. Асарда кириш қисми бор.
  5. Асарни бошланиши 4 такт муסיқий давридан иборат
  6. Асарда бутун, ярим, чоракталик, нота чўзимлари бор
  7. Асарда бутун, чорак паузалар учрайди.
  8. Асар ўртасида тоналлиги ўзгаради.
  9. Асар жами 34 тактдан иборат
  10. Динамик белгилардан : F, лига, mf бор
- Қўшиқ жумлаларга бўлиб ўрганилади.

### **“ ЯХШИ БОЛА”**

Хамма жойга ярашади яхши бола,  
 Уй ишига қарашади яхши бола.  
 Ўйнаб юриб севинади ўз-ўзидан,  
 Яхшилиги сезилади юз-кўзидан.

Яшнаиверсин хамма жойда яхши бола,  
Келтиради элга фойда яхши бола,  
Мактабидан қолмайди кеч яхши бола,  
“Икки” баҳо олмайди ҳеч яхши бола.  
Иш буюрсанг дейди кулиб “ Хўп бўлади”,  
Шериклари ,ўртоқлари кўп бўлади,  
Яшнаиверсин хамма жойда яхши бола,  
Келтиради элга фойда яхши бола.

**Муסיқа тинглаш:**

**Ўқитувчи:** Болалар энди хаммамиз диққат билан тинглаймиз. Мен сизларга куй чалиб бераман, сизлар эса бу куйни қайси кўшиқдан эканлигини айтиб, нимани тасаввур қилганингизни айтиб берасиз .

“ Пахта ракси” кўшиғи ижро этилди.

**Ўқувчилар:** Болалар гуллар териб юришибди, баҳор ҳақидаги кўшиқ.

**Ўқитувчи:** Яхши яна ким айтади.

**Ўқувчи:** Ёмғир ёғаяпти, шуни тасаввур қилдим,. Ёмғир ҳақидаги кўшиқ.

**Ўқитувчи:** Бу кўшиқ “Пахта ракси” деб номланади Дилором Омонуллаева муסיқаси, демак далазорларда одамлар пахта тераётгандаги жараёни эслатувчи куй экан.

**Дарс якуни:**

Ўқитувчи дарсга якун ясаб, фаол қатнашган ёлиб ўқувчиларни рағбатлантириб, уларни баҳолайди. Ёлиб гуруҳни аниқлаб, уларни олқишлайди.

**Уйга вазифа:**

**Ўқитувчи:** Ўтилган мавзунини мустахкамлаб, янги кўшиқни ўрганиб келиш.

**Дарсимиз тугади. Хайр.**

**Ўқувчилар:** Хайр устоз!

**2-илова**

**Муסיқий тарбиявий тадбир**

**Мавзу: “ Муқаддассан Ватан ”**

**Дарснинг мақсади:** Ўқувчи ёшларда ватанпарварлик руҳини сингдириш, ўз она заминига ва табиатига бўлган меҳр-мухаббатини уйғотиш ва ватанини асраш тушунчалари ҳақида тушунтириб бериш.

**Дарснинг мақсади:** Ватанини севиш ва асраб авайлаш ва кадрлашга ўрганади.

**Ривожлантириш:** Бу байрамни яънада каттароқ – дабдабали ўтказиш ва ҳозирги замон технологияларидан фойдаланган ҳолда яънада қизиқарли қилиб ўтказиш.

**Дарснинг методи:** аралаш.

**Дарснинг жиҳози:** Кўргазмали қуроллар, мақол ва ҳикматлар, расмлар, плакатлар, керакли жиҳозлар.

**Дарснинг бориши:**

Синф хонаси ва ўқувчиларга тадбирга тайёр.

Хамма синфга йиғилган.Тарбиявий соатга бошқа ҳамкасб ўқитувчилар ҳам ташриф буюришган.Хонада Ўзбекистонни мадх этувчи қўшиқ янграмоқда .

**Устоз:** (Сўзлари мағрурлик оҳангида)

Ассалому алайкум ҳурматли устозлар, азиз ўқитувчилар! Бугунги

“ МУҚАДДАССАН ВАТАН “деб номланган тарбиявий соатимизга ҳуш келибсизлар! Албатта жаҳон кенг, дунёда мамлакатлар кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз ягона . Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин толеъи баланд, иқболи кулган халқ- бизгагина аталган.

**Ўқитувчи гапиргандан сўнг, барча ўқувчилар Ўзбекистон мадҳиясини қуйлашади.**

**Ўқувчилар орасидан :** ”Бу хумо қушику, бу бахт- омад қуши”деб бир бирларига айтишади.

**Хумо қуши:**

- Ассалом она замин муқаддас тупроқ.Сенинг бағрингга мен шошилиб келдим.Қанотларим остида тинчлик тотувлик шу юртга барака бахт олиб келдим.



**Устоз:**

-Бугунги тарбиявий соатимизга хуш келибсан Хумо куши!

**Хумо куши:**

-Рахмат, мен сизларнинг тарбиявий соатингиз номини “МУҚАДДАССАН БАТАН “ деб номланганингизни эшитиб, тўлқинланиб учиб келдим. Қолаверса диёрингиздаги фаровонликдан, сизларнинг тинч заминда ўйнаб кулиб юрганингиздан, кенг, шинам, ёруғ, замонавий мактабларда билим олаётганингиздан беҳад мамнунман.

**Шўх мусиқа янграб ўғил ва қизлар рақсга тушадилар.**

**Устоз:** Болажонлар қани айтингчи, Хумо куши Ватанимизнинг қайси тимсолида акс этган?

**Ўқувчи:**

- Тамғамизда боғлар бор,  
Водийлар бор тоғлар бор,  
Ўнг томонда буғдойзор,  
Чап томонда пахтазор,  
Чамбаракка ўралган,  
Мовий узра қуёш бор,  
Хурлигимизнинг рамзи,  
Хумо деган куши бор.

**Устоз:**

-Баракалла тўғри.Тамғамиз - Гербимизда Хумо куши тасвири бор. Болажонлар бу рамзимизга нима туфайли эришдик?

**Ўқувчи:**

-Мустақиллик не демак, не демакдир истиқбол.  
Буни билмоғинг керак, мазмунини дилга сол.  
Энди ўз тоъле мулкин, ўз қўлингда ўз эркинг.  
Юртинг нурга беланиб, кўрингайдир кўзингга  
Барча олтин гавҳаринг, буюрсин-а ўзингга.

**Устоз:**

-Яшанг баракалла.

Болалар шеърдан нималарни билдингиз? Юртимизнинг мустақиллиги хақида жўшиб ёниб айтилмоқда. Болажонлар, давлатимиз мустақил бўлгач, хозиргина шеърда айтилганидек, ўз эркимизга эга бўлдик. Унутила бошлаган аждодларимиз тарихи қайта тикланди, уни ўқиб ўрганмоқдамиз. Келинлар, биз сизлар билан мозийга кулоқ тутамиз, зеро тарихи йўқ юртнинг келажаги ҳам бўлмайди дейдилар. Бобокалонларимиз юртимиздаги ўзгаришларни, сизларни кўриб тургандек гўё.

**Паст мусикий фонограмма остида Ибн Сино, Ал Беруний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек бўлиб донишманд бобокалонлар сиймосидаги ўқувчилар сўзлайди.**

**“Ибн Сино”** : -Менинг асли исмим Хусайн Абу Али ибн Сино. Ёшлигимда кўп китоб мутоалаа қилишга меҳр қўйганман. Табобатни чуқур ўрганганман. Гиёҳларнинг шифобахш хусусиятларини очиб касалларни даволаш сирларини ёзиб қолдирдим.

**“Мирзо Улуғбек”**: - Салом болалар ! Мен - Мирзо Улуғбекман. Бобом Амир Темурнинг севимли набираси бўлганман. Ёшлигимда само сирларига, юлдузлар жойлашувига қизиққанман ва уларнинг ўзига хос ҳаракатларини ўрганганман. Биринчи бўлиб юлдузларни катта қилиб кўрсатадиган дурбин-устурлоб яратдим.

**“Ал Беруний”**:-Эй мустақил юрт фарзандлари! Мен Беруний бобонгиз бўламан! Мене сизлардай пайтимда дунё сирларига, унинг жуғрофиясига, табиат сирларига жуда ҳам қизиққанман. Ернинг думалоқ шаклда эканлигини исботлаб берганман. Ва шу асосда, ер шарининг глобусини ясаганман.

**“Алишер Навоий”**:-

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш.

Эл анда шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш

Олтин қафас ичра гар қизил гул битса

Булбулга тикондек ошиён бўлмас эмиш.

**Устоз:**

- Болажон мана биз сизлар билан тарихга назар солдик. Демак шундай улуғ ва мўътабар боболаримиз яшаб ўтган муқаддас ватанимизнинг номи нима?

**Болалар (жўрликда)- ЎЗБЕКИСТОН!**

**Устоз:**

-Мана азиз ўқувчилар сизлар билан ватан тўғрисида гаплашаяпмиз. Энди менга ким Ўзбекистон ҳақида шеър айтиб беради?

**Ўқувчи:**

-Юртим сенга шеър битдим бу кун

Қиёсингни топмадим асло

Шоирлар бор ўз юртинг бутун

Олам аро атаган танҳо

Улар шеъри учди кўп йироқ,

Қанотида кумуш диёри

Бир ўлка бор дунёда, бироқ-

Ўқилмаган дostonдир бари

Фақат ожиз қаламим маним:

Ўзбекистон - Ватаним маним.

**Ўқувчи:**

-Шукрим сендайин бир жаҳоним бор

Онамдай меҳрибон жонажоним бор.

Сени куйлайман сен учун яшайман.

Токи қалбда қоним танда жоним бор!

**Устоз:**

-Келинлар болажонлар, энди мана бу харита орқали бўйлаб саёҳат қиламиз.

Ўйлайманки саёҳатимизда ўқувчиларимиз фаоллик кўрсатишади.

**Ўқувчи:**

- Ушбу кўриб турганимиз Ўзбекистон республикасининг харитаси. Ўзбекистоннинг умумий майдони 447, 4 километр, унинг аҳолиси 26 миллион кишини ташкил этади.

**Устоз:**

-Баракалла энди мен сизларга янада чуқурроқ ёрдам бераман. Ўзбекистон Республикаси жанубда Қирғизистон, жануби ғарбдан Тожикистон, Афғонистон, Туркменистон мамлакатлари билан, шимолда эса Қозоғистон билан чегарадош. Ватанимиз таркиби:-Андижон ,Бухоро, Жиззах, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё, Навоий, Самарқанд, Тошкент каби 12 вилоят ва Қорақалпоғистон Республикасидан иборатдир.

**Ўқувчи:**

- Республикамиз йўлбошчиси, мустақил юртимизнинг биринчи президенти-Ислом Абдуғаниевич Каримовдир.

**Устоз:**

- Баракалла, болажонларим. Биз деярли ҳар бир дарсда Президентимизнинг ”Юксак маънавият- енгилмас куч” номли асарларида келтирган иборалар, даъватлар, талаблари ҳақида эслаб ўтаяпмиз. Юрт халқи учун, биз фарзандлар ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим.

Бу йилни биз нима деб эълон қилдик?

**Хамма:-**” БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ”.

**Устоз:-** Биз баркамол бўлишимиз учун қандай жиҳатларга эга бўлишимиз лозим?

**Ўқувчилар:-** Биз аввало соғлом бўлишимиз, атрофни ҳимоя қилишимиз зарур.

**Устоз:-** Азиз ўқувчилар, ҳўш сизлар менга спорт ҳақида ҳам гапириб ўтдингиз. Юртни биринчи элга танитадиган касблардан бири бу спорт тури ҳисобланади. Спорт билан ҳамкорликда чет элларда саёҳат қилишади. Мана шу спорт ишлари билан машҳур бўлган спортчиларимизни биласизми?

**Ўқувчи:-** Миржалол Қосимов ( футболчи), Рустам Қосимов (шахматчи), Руслан Чагаев (боксчи).

**Яна бир қанча ўқувчилар спортчиларни санаб беришди.**

**Устоз:-** Баракалла азиз ўқувчилар! Демак сиз спортчиларимиз хақида жуда кўп маълумотга эга экансиз. Демак спорт соғлиқ гарови ҳисобланар экан. Мана биз сизлар билан анча нарсалар тўғрисида- яъни ватанимиз тарихи- унинг келажаги хақида суҳбатлашдик. Ватанни севиш- уни ардоқлаш тўғрисида жуда хам кўп ҳикматли сўзлар хамда мақоллар бор. Қани менга билган мақол ва ҳикматли гапларингизни айтиб бера оласизми?

**Хамма:-** Ха

Ватан остонадан бошланади!

Ватанни севмоқ иймондандир!

Ўзга юртда шоҳ бўлгунча ўз юртингда гадо бўл.

Бешикдан қабргача илм изла!

**Устоз: -** Яшанг, азиз болажонлар. Раҳмат сизларга, чунки тўлақонли жавобларингиздан беҳад қувондим. Мана Хумо қуши хам сизларга бир нималар демоқчидай қанотларини қоқмоқда.

**Хумо қуши:-** Чиндан хам юртингиз эртақлардагидай жаннатга ўхшайди. Буни сизнинг тилингиздан эшитиб, фахр- ифтихорга тўла сўзларингиздан янада суюндим.

Мустақиллигингиз абадий бўлсин! Билим олишга бўлган иштиёқингиз асло сўнмасин. Хозирча хайр мен албатта келаман дея **Хумо қуши сахнани тарк этади.**


**Устоз:-** Азиз ўқувчилар “Муқаддассан Ватан” деб номланган тарбиявий соатимиз жуда хам мароқли ўтди. Тадбиримиз шу ерда қатнашганларга жуда хам ёқди. Мен улар номидан ўзим номимдан хам сизларга ўқишларингизга омад тилайман!

**Тамом**

NEVARALAR QO‘SHIG‘I

*Safar Barnoyev she’ri*

*Nadim Norxo’jayev musiqasi*



Bog'im bor, gulzorim bor,  
Bosh bog'boni bobomlar.

Shirin so'zli, beozor  
Mehribonim momomlar.

**Naqorat:**

Nevara, evara, chevaramiz,  
Bizlar uyning chevarimiz.

Ostonamiz muqaddas,  
Ahil ota-onamlar.  
Oftob nuri tugamas,  
Havas qilar odamlar.

**Naqorat.**

Niyatimiz pok, nurli,  
Shundan bizlar g'ururli.  
Bobo, momolar bilan,  
Yashash qanday sururli!

**Naqorat.**

# Б У В И Ж О Н И М

Д.Омонуллаева мусиқаси  
Й. Суюнов шеъри

Andantino

Soli

Ф-но

Мен-га тенг-сиз меҳ-ри-бор,

Сўз-ла-ри-га сеҳ-ри бор. Эр-так ай-тиб тол-май-

ди. Эр-ка-ла-тиб тол-май-ди.

Бу-ви-жо-ним, бу-ви-жон Меҳ-ри-бо-ним бу-ви-жон,



О-на-гу-нам о-на-си-

Шўх за-бо-ним бу-ви — жон.

Менга тенгсиз меҳри бор,  
 Сўзларида сеҳри бор.  
 Эртас айтиб толмайди,  
 Эркалатиб толмайди.

Нақорат:

Бувижоним, бувижон  
 Меҳрибоним бувижон,  
 Онагинам онаси —  
 Шўх забоним бувижон.

Кўролмаса бир куни  
 Ухлай олмайди туни.  
 Кўнгли соғинч бўлиб,  
 Излар парвона бўлиб.

Нақорат:

Бахтимга омон юринг,  
 Хушхандон даврон сурунг.  
 Кўзингиз намланмасин,  
 Дилингиз ғамланмасин.

Нақорат:

# ОНАЖОНИМ \*

М.Дадабоев шеъри ва  
мусиқаси

**Andante**

Овоз

Ф-но

*mf*

*mf*

О - на - жо - ним , Меҳ - ри - бо - ним.

*f(p)*

Мен гул бўл-сам, Сиз боғ-бо-ним, Кў-зим о - чиб, Сиз-ни кўр-дим.

*f(p)*

Сиз ту-фай-ли Ин-сон бўл-дим. Ду-о қи-линг, тез-роқ ў-сай.

*f(p)*



*mf*

Тинч-лик у – чун Ҳис-са қў – шай. О-на - жо – ним, Меҳ-ри-бо – ним.

*mf*

1. Мен гул бўл – сам, Сиз боғ – бо – ним. 2. *rit.* Сиз боғ – бо – ним.

*rit.*

Онажоним,  
Меҳрибоним.  
Мен гул бўлсам,  
Сиз боғбоним.

Кўзим очиб,  
Сизни кўрдим.  
Сиз туфайли  
Инсон бўлдим.

Дуо қилинг,  
Тезроқ ўсай.  
Тинчлик учун  
Ҳисса қўшай.

\* "Онажоним" ва "Ўзбекистон мустақил" қўшиқлари яккахон хонанда ҳамда хор жўрлигида ижро этиш учун мўлжалланган.

# Yaxshi bola

Nadim Norxo'jayev musiqasi  
Po'lat Mo'min she'ri

**Allegretto**

*mf*

5

Ham-ma joy-ga ya - ra - sha-di yax - shi bo-la yax - shi bo-la

9

Uy i - shi -ga qa - ra - sha-di yax - shi bo-la yax - shi bo-la

13

O'y-nab yu-rib se - vi - na-di o'z o' - zi - dan

17

1. yax-shi -li - gi se - zi - la - di yuz ko' - zi - dan 2. yuz ko' - zi - dan yuz ko' - zi - dan

§

21 Coda

Musical score for measures 21-24, Coda section. The system consists of a vocal line and a piano accompaniment. The vocal line is in treble clef with a key signature of one sharp (F#) and contains four measures of whole rests. The piano accompaniment is in grand staff (treble and bass clefs) with a key signature of one sharp (F#). It features a rhythmic pattern of eighth and sixteenth notes in the right hand and a simpler bass line in the left hand, concluding with a final chord in the right hand.

25

Musical score for measures 25-28. The system consists of a vocal line and a piano accompaniment. The vocal line is in treble clef with a key signature of one flat (Bb) and contains four measures of music with lyrics: "Ya -shay-ber-sin ham-ma joy-da yax - shi bo- la yax - shi bo- la". The piano accompaniment is in grand staff (treble and bass clefs) with a key signature of one flat (Bb). It features a rhythmic pattern of eighth and sixteenth notes in the right hand and a simpler bass line in the left hand.

29

Musical score for measures 29-32. The system consists of a vocal line and a piano accompaniment. The vocal line is in treble clef with a key signature of one flat (Bb) and contains four measures of music with lyrics: "Kel - ti - ra - di el - ga foy- da yax - shi bo- la yax - shi bo- la". The piano accompaniment is in grand staff (treble and bass clefs) with a key signature of one flat (Bb). It features a rhythmic pattern of eighth and sixteenth notes in the right hand and a simpler bass line in the left hand.

33

Musical score for measures 33-35. The system consists of a vocal line and a piano accompaniment. The vocal line is in treble clef with a key signature of one flat (Bb) and contains three measures of music with lyrics: "yax - shi bo - la yax - shi bo - la". The piano accompaniment is in grand staff (treble and bass clefs) with a key signature of one flat (Bb). It features a rhythmic pattern of eighth and sixteenth notes in the right hand and a simpler bass line in the left hand, concluding with a final chord in the right hand marked with a forte (*sf*) dynamic.

**Гулистон давлат университети педагогика факультети «Муסיқа таълими» таълим йўналиши битирувчи босқич талабаси Бойбўтаева Шахнозанинг “Муסיқа ўқувчиларни ахлоқий тарбиялаш воситаси сифатида” мавзусида ёзилган битирув малакавий ишига  
Такриз.**

Жамият тараққиётининг барча давларида ривожланиш моҳияти ва унинг суръати инсонларнинг маънавий камолоти ва интеллектуал салоҳиятига боғлиқ бўлган. Бугунги таълимдаги ҳар қандай катта-кичик янгиликлар самараси эртанги кун замини, ҳаёт-мамоти, фаровонлигини бевосита маънавий ва жисмоний ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш билан боғлиқлигини бугун ҳаммамиз чуқур ҳис қилмоқдамиз.

Муסיқа фани халқ ўзлигини чуқур англашга маънавий-руҳий, олижаноб мақсад, эзгулик ғояларига хизмат қилган. Мана шу мақсадларни кўзлаган ҳолда тадқиқотчи Бойбўтаева Шахнозанинг “Муסיқа ўқувчиларни ахлоқий тарбиялаш воситаси сифатида” мавзусида ёзилган битирув малакавий ишига тўхталиб ўтмоқчиман. Ушбу малакавий ишда талабаларда муסיқий дунёқарашини шакллантириш, бойитиш, уларнинг муסיқий тафаккурини ривожлантириш, бадиий дидини ўстириш, муסיқий асарни ўрганишда унинг мазмунини тўғри очишга йўриқномалар кўрсатилган. Ушбу малакавий иш билан танишган бўлажак муסיқа ўқитувчилари умумий ва муסיқий дунёқараши, уларнинг муסיқани идрок қилиши, муסיқий эшитиш қобилияти шаклланиши ҳамда бу қобилиятини ижро этиш жараёнида педагогик амалий ишларда қўллай олишлари мумкиндир.

БМИ охирида келтирилган адабиётлар рўйхати мавзу мазмунига мос келади.

Тадқиқотчи Ш.Бойбўтаева “Муסיқа ўқувчиларни ахлоқий тарбиялаш воситаси сифатида” мавзусида ёзилган битирув малакавий иши тугалланган тадқиқот бўлиб, унга қўйилган талабларга жавоб беради ва уни ҳимояга тавсия этаман.

**“Муסיқа ва меҳнат таълими”  
кафедраси ўқитувчиси:**

**С.Абидов**

**Гулистон давлат университети педагогика факультети «Муסיқа таълими» таълим йўналиши битирувчи босқич талабаси Бойбўтаева Шахнозанинг “Муסיқа ўқувчиларни ахлоқий тарбиялаш воситаси сифатида” мавзусида ёзилган битирув малакавий ишига  
Такриз.**

Ҳозирда энг муҳим масалалардан бири ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятини шакллантириш ва камол топтиришдир. Тайёрлаётган мутахассисларимизни юксак инсоний фазилатлар эгаси, олижаноб, ахлоқий эътиқод соҳиби қилиб тарбиялаш ўта муҳим вазифалардан биридир. Узоқ ўтмишдан тортиб то цивилизациянинг энг гуллаб яшнаган даврларида ҳам инсоният жамияти олдида ёшларни нимага ўргатиш керак деган савол турганлиги исбот талаб этилмайдиган ҳақиқатдир.

БМИ нинг кириш қисми муаммонинг долзарблигига бағишланиб, кенг ва чуқур таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи Бойбўтаева Ш. БМИ нинг 1-бобида муаммонинг илмий-назарий томонларини ўрганиб чиққан. Муаммонинг ҳал қилинишида бугунги кундаги мақсад ва вазифалар тўлиқ очиб берилган.

БМИ нинг 2-бобида умумтаълим мактаблари “Муסיқа маданияти” дарсларида ва дарсдан ташқари шароитда муаммони ҳал қилиш юзасидан синов-тажриба ишларини олиб борган.

Тадқиқот натижаларига асосланиб чиқарилган хулоса ва амалий тавсиялар ўзининг ишонарлиги билан диққатга сазавордир. Хулоса ва амалий тавсиялардан бошқа муסיқа ўқитувчилари ўз фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

БМИ охирида келтирилган адабиётлар рўйхати мавзу мазмунига мос келади.

Тадқиқотчи Ш.Бойбўтаева “Муסיқа ўқувчиларни ахлоқий тарбиялаш воситаси сифатида” мавзусида ёзилган битирув малакавий иши тугалланган тадқиқот бўлиб, унга қўйилган талабларга жавоб беради ва уни ҳимояга тавсия этамиз..

**Гулистон шаҳар 2-умумтаълим  
мактаби муסיқа фани ўқитувчиси:**

**Ч. Нишонова**